Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

33 сон
16 — 22 август, 2007 йил

# САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Айни кунларда республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда. Анжуманларда сўнгги икки ярим йил мобайнида қўмиталар томонидан амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, айрим муаммо ва камчиликлар сарҳисоб қилиниб, галдаги устувор вазифалар, ҳамда режалар белгилаб олинаётир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармонидан сўнг қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз фаолиятларини янгидан кўриб чиқдилар. Қўмитанинг мақоми, шу билан бирга зиммасидаги масъулият ҳам кескин ошди, фаолият йўналишлари, амалга ошириладиган вазифалар кўлами сезиларли даражада кенгайди,

- Мазкур Фармон бизга кенг имкониятлар эшигини очиб берди, десак янглишмаймиз, - дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова. - Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун иш ўринларини яратилишига кўмаклашиш, оналик ва болалик муҳофазаси, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, қизларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида касаначилик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тегишли манфаатдор ташкилотлар билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйиш, аёллар билан ишловчи нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан самарали ва ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтириш қўмита олдида турган вазифаларнинг асосий йўналишларини ташкил этади. Албатта, бу ишларни амалга ошириш учун жойлардаги қўмиталар раислари ва фаолларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва иқтисодий билим ҳамда малакаларини мунтазам ошириб бориш талаб этилади. Шуни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ходимлари, вилоятлар, туман ва шаҳарлар Хотин-қизлар қўмиталари раислари учун махсус ўқув курслари ташкил этилиши анъанага айланиб қолди. Мазкур курсларнинг ўқув дастурларида Хотин-қизлар қўмиталари олдида турган долзарб вазифалар, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти атрофлича қамраб олинаётир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасидан олган маълумотларимизга қараганда, жорий йилнинг февраль ва март ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 198 та туман ва шаҳарларнинг Хотин-қизлар қўмиталари раислари академиядаги ана шундай курсда ўқиб, малакаларини оширдилар.

- Бундан ташқари, - дея сўзини давом эттиради Г. Маъруфова, - ёшлар билан ишлаш, кадрлар заҳирасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилаётган аёлларнинг ўқиши учун йилига камида 30 фоиз ўрин ажратилиши ва тингловчилар орасида хотин-қизлар улушини ошириш борасида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиққанмиз.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2004 йил 14 августда бўлиб ўтган конференциясида қўмита Низоми тасдиқланган эди. Унга кўра, Хотин-қизлар қўмиталари фаолияти самарадорлигини ошириш, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига бўйсинувчи туман ва шаҳарлар Хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференцияларини ҳар икки ярим йилда бир маротаба ўтказиш белгилаб қўйилган.

- Шу кунларда жойларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов конференцияларида айнан "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва қўмитамизнинг учта йўналишни қамраб олган ҳаракат Дастурлари ва бошқа хужжатлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, тегишли баҳосини олмоқда, - дейди суҳбатдошимиз, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова. – Бугунгача Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Навоий, Сурхондарё вилоятларида ўтган конференцияларга назар ташлайдиган бўлсак, ютуқларни қайд этиб ўтиш билан бирга хотин-қизлар жиноятчилигининг сабаб ва оқибатлари, оналар ва болалар ўлимини камайтириш масалалари, тадбиркор аёлларга кредитлар ажратиш борасида дуч келинаётган муаммолар каби ҳолатлар танқидий-таҳлилий жиҳатдан муҳокама этилмоқда.

Август ойининг охиригача барча мавжуд 199 туман ва шаҳарларда ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилади. Энг муҳими, ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилиши, келгуси вазифаларнинг устувор йўналишлари белгилаб олиниши, ҳамда жойларда тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш чоралари белгиланаётгани бундан кейин ҳам Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятида изчиллик ва самара устувор бўлишига имкон яратиши, шубҳасиз.

**Дармон ИБРОҲИМОВ**

* * *

# САЙЛОВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталарининг навбатдаги ҳисобот конференциялари Бўстонлиқ, Пскент, Қибрай ва Зангиота туманларида бўлиб ўтди.

- Ҳудудларда ўтказилаётган анжуманларда 2005-2007 йил августгача бўлган давр мобайнида шаҳар ва туман қўмиталари фаолиятида амалга оширилаётган ишлар қониқарли эканлиги фуқаролар томонидан эътироф этилмоқда, - дейди Тошкент вилояти ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудири Индира Ҳалимова. - Маълумки, Президентимизнинг ПФ 34-34 сонли Фармони хотин-қизлар ҳаётини яхшилашга қартилган кенг қамровли мукаммал ҳужжатдир. Унда аёлларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оилани мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг ижтимоий муаммоларига эътиборни кучайтириш каби кенг қамровли масалалар ўз аксини топган. Бу эзгу мақсадларни ҳаётга тадбиқ этиш, оммалаштириш учун ҳар томонлама етук, билимли, маданий-маърифий салоҳиятга эга еткачи аёллар фаолият олиб боришлари зарур эканлиги давр тақозоси. Хотин-қизлар қўмиталарининг раисларини сайлашда ана шу мезонлар ҳисобга олинмоқда.

**ҲУЛКАР**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Деҳқонобод тумани хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот йиғилишида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам кўрсатилди.Яъни оилавий ажримни камайтиришга эришиш учун тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги, ариза ва шикоятлар муаллифларини қаноатлантириш учун мутасадди гуруҳлар фаоллиги сезилмаганлиги қайд этилди. Д.Ҳасанова туман хотин-қизлар қўмитаси раислигига қайта сайланди.

Ғузор тумани хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайловида ҳам оналар ва болалар ўлимини камайтиришда соғлиқни сақлаш бўлими масъул ходимларининг фаолияти етарли бўлмаганлиги, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олишда тарғибот ва ташвиқот ишлари пассив олиб борилганлиги ҳақида гапирилди. Ғузор тумани хотин-қизлар қўмитаси раислигига Д.Хўжақулова қайта сайланди.

Конференцияларда вилоят ҳокими муовини, хотин- қизлар қўмитаси раиси И.Каримова, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати С.Маҳмудова, "Нафосат" газетаси муҳаррири С.Зоировалар қатнашдилар.

**САНОБАР**

# ҚУТЛУҒ КУНЛАР ШУКУҲИ

Ўтаётган кунларимиз бизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз - юртимиз мустақиллигининг 16 йиллиги нишонланадиган кунга тобора яқинлаштирмоқда. Сермева, серҳосият ёз сездирмайгина ўз ўрнини олтин кузга бўшатиб бераётган шу кунларда юртдошларимиз тирикликнинг ширин ташвишлари, юмушлари билан банд: кимдир яхши ният билан иморат қурмоқда, кимнингдир уйида ўғил ёки қизининг тўй тараддуди, кимдир даласида етилган ҳосилини йиғиб, териш илинжида...

Албатта, тинчлик, ўзаро тотувлик, меҳр-оқибат, шукроналик ҳукм сурган юртга тўйлар, тантаналар ярашади. Ўтаётган кунларимиз мамлакатимиз миқёсида ҳам унутилмас, тарихий воқеаларга бойлиги билан ғоятда аҳамиятлидир. Маълумки, таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро Ислом ташкилоти (USESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган эди.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ азалий урф-одат ва анъаналаримизни кўз қорачиғидек асраш, буюк аждодларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг муборак Зиёратгоҳ ва қадамжоларини обод қилиш бўйича ҳайратланарли кўпгина ишлар амалга оширилди. Имом Мотуридий, Хўжа Аҳрор Валий, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳазрати Имом каби ислом маданияти даҳолари мажмуалари тикланиб, ободонлаштирилди.

Юртимизда қад ростлаб турган улуғвор масжид ва мадрасалар, бобокалонларимиз ҳоки қўним топган мажмуалар, ноёб тарихий қўлёзмаларнинг асраб-авайлаб келинаётганлиги мамлакатимиз пойтахти-Тошкент-Ислом маданияти пойтахти деган шарафли номга лойиқ эканлигини тасдиқлайди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасидан далолатдир. Бу мақом Ўзбекистоннинг халқаро миқёсидаги нуфузини янада оширди.

14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуида халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 13 август куни Оқсаройда Ислом конференцияси ташкилоти (ИТК) Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғлини қабул қилди.

Суҳбат чоғида Акмалуддин Эҳсон ўғли (USESCO) Тошкент ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинар экан, Ўзбекистон раҳбарининг миллий мерос ва маданий қадриятлар ҳамда ислом цивилизацияси ёдгорликларини асраб-авайлашга қаратилган оқилона сиёсати, Марказий Осиёда етишиб чиққан алломаларнинг беқиёс хизматлари, Тошкентнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ҳисобга олинганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 август куни Оқсаройда "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларидан бир гуруҳи билан учрашди. Учрашув қатнашчилари ислом маданияти ва фанини ривожлантиришда мамлакатимиз муҳим ўрин тутишини, ўзбек халқи ўз даҳоларининг хизматлари билан ислом цивилизацияси равнақига ҳам улкан ҳисса қўшганини таъкидладилар. Халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини қайд этдилар.

ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассан Президентимизга ЮНЕСКОнинг "Аристотель" ва "Буюк Ипак йўли" олтин медалларини топширди. Бу мукофотлар таълим, фан ва маданиятни ривожлантиришга, халқлараро мулоқотни фаоллаштиришга улкан ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбобларига, йирик олимларга, илм-фан ва маданият намояндаларига берилади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига ўз табригини йўллади.

**"Биз муқаддас динимиз ва ислом цивилизациясини жаҳон цивилизацияси, кишилик тараққиёти ва маданиятининг узвий бир қисми, одамларни руҳий-маънавий поклаш, уларнинг онгу шуурида шукроналик, тинч ва осуда ҳаёт кечириш, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби боқий қадриятларни мустаҳкамлашнинг асосий омили ва мезони сифатида юксак қадрлаймиз"**, - дейилади ушбу табрикда.

"Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги халқаро конференциясида 30 дан ортиқ мамлакатдан келган меҳмонлар иштирок этишди. Анжуман доирасида Ислом маданияти пойтахтининг рамзий калити Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаевга тантанали равишда топширилди.

## Қонун ва биз

# НИКОҲ ШАРТНОМАСИ – ДАВР ТАЛАБИ

Никоҳ бир умрга тузилган аҳднома. У эр-хотиннинг оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқлилигига ва оилавий масъулият юзасидан баб-баравар мажбуриятларга эга эканлигига асосланади. Ушбу асослар улар ўртасидаги мулкий муносабатларда ҳам ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига биноан эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклар, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги (1998 йил) қарорида кўрсатилишича **"Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкларини бўлишда ҳамда уларнинг шу мулкдаги улушларини аниқлашда агар эр ва хотиннинг никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр-хотиннинг улушлари тенг ҳисобланади"**, деб кўрсатилган.

"Никоҳ шартномаси" деб никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишувга айтилади. Мазкур келишув қонунда мажбурий характерга эга бўлмай, уни тузиш ёки тузмаслик эр-хотиннинг ўзларига тегишлидир. Аҳолиси қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлган туманлараро судларида ойига ўртача 40 га яқин "никоҳдан ажратиш тўғрисида" даъволар тушаётган бўлса-да, биронта даъвога никоҳ шартномаси илова қилинмаётир. Аммо тарафларнинг айниқса хотиннинг эрга ажралиш вақтида шарт қўйиш ҳолатлари **ҳар бир бешта фуқаролик ишидан биттасида** учрамоқда. Никоҳдан ажратиш ишида тараф сифатида иштирок этаётган хотин жуда кўплаб ҳолларда иккинчи тараф бўлган эрдан уни бошпана билан таъминлашини, болалари учун қўшимча таъминот беришини, болаларини ўқитишни, уларга уй-жой қуриш учун ер олиб беришни ва ҳоказоларни талаб қилиб, шуларни бажарса никоҳни бекор қилишга розилигини билдириб шартлар қўймоқдалар. Аммо суд эр олдига бу талабларни бажаришни мажбурият қилиб юклолмайди. Чунки улар ўртасида қонунан белгиланган никоҳ шартномаси мавжуд эмас.

Никоҳ шартномасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ўзида нафақат эр-хотиннинг мол-мулкини вужудга келтириш, уни никоҳ давомида ва келгусида агар ажралиш юз берса тасарруф этиш, эгалик қилиш ва фойдаланиш, шу билан бирга эр-хотиннинг бирига болалари учун таъминот бериш тартибларини белгилаб беради.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан кучга киради.

Аммо афсуски, никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар, шунингдек никоҳ давлат рўйхатига олинаётган вақтида ҳам никоҳланувчилар томонидан никоҳ шартномалари тузилмаётир. Албатта, ёшлар никоҳдан ўтаётганида, яъни бахтли дамларида келгусида ажралиш юз бериши ҳам мумкинлигини тасаввур қилишлари амри маҳол. Андиша ва ўзбекона ҳаё бунга йўл қўймайди.

Ваҳоланки, никоҳ шартномаси тузишдан аёллар манфаатдордир.

Амалиётда қонунда белгиланган ярашиш муҳлатлари судлар томонидан қўлланилиб, оилани тиклаш ва тарафларни яраштириш учун барча чоралар қўлланилиб бўлингач, жавобгар тарафларни судга атайин келмасликлари ҳоллари кўплаб учрамоқда.

Суд аввало оила манфаатларидан келиб чиқиб иш кўради. Қонунда оилани тиклаш, эр-хотинни яраштириш учун барча чораларни кўриш вазифаси судларга юклатилгандир. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасида агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшаш ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратиши кўрсатилган. Тарафларнинг бири судга келмаслиги судда ишни мазмунан кўришга тўсқинлик қила олмайди. Жавобгарлар суд вақти ва жойи тўғрисида хабардор бўлган ҳолда суд мажлисига келмаса-да, сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилади. Гарчи уларнинг судга келмаслиги суд ишларини кўришда қийинчилик туғдираётган бўлса-да, ҳар ўнта никоҳни ажратиш ишларидан олтитаси бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилмоқда. Чунки Фуқаролик ишлари бўйича процессуал кодексида тарафлар ҳуқуқи тенг бўлиб, суд даъвогар манфаатларини ҳам инобатга олишга мажбур. Хуллас, никоҳга қадар ёки никоҳ даврида эр ва хотин мулкини шартномавий тартибига риоя қилиш, яъни никоҳ шартномасини имзолаш давр талаби бўлиб қолмоқда.

**А.ЖАББОРОВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг судъяси.**

# ИБРАТГА ЛОЙИҚ



*Корхона директори Алишержон Ҳақназаров*

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига қарашли "Ангрен-Поп" терминаллардан фойдаланиш корхонаси раҳбари Алишержон Ҳақназаров «Ижтимоий ҳимоя йили»да ишчиларга яратилган шароитлар, имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

- Жамоамизда 2 мингга яқин ишчи ишлайди. Уларнинг тўрт юз нафари аёллар. Аёлларни муҳофаза қилиш-бурчимиз. Корхонамизда бу ойни "Хотин-қизларга хизмат кўрсатиш ойлиги" деб атадик. Хотин-қизларимизга энг кам иш ҳақининг уч фоизи миқдорида пул мукофотлари, дам олиш оромгоҳлари ва сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар бераяпмиз. Ангрен-Поп туманларидаги дорихоналарга корхонамиз ҳисобидан пул ўтказиб қўйганмизки,ишчиларимиз лозим пайтда бепул дори-дармон билан таъминланадилар. Меҳнат таътилларига эса 5 кун қўшиб берамиз. 3 ёшгача боласи бўлган аёлларни ҳар ой энг кам иш ҳақининг 3 фоизи миқдорида маблағ билан таъминлаб турамиз. Суюнчи пулимиз эса энг кам ойлик маошнинг 5 фоизини ташкил қилади.

Истиқлолнинг 16 йиллик байрамига бағишлаб уюштирган тадбирда ҳам ўз меҳнати билан эъзоз топган 10 нафар фаол аёлларимизни фахрий ёрлиқ ва пул мукофоти билан тақдирладик.

Шунингдек, кам таъминланган оилалар—Г.Имомова ва Ў.Абдуллаевларга 100 минг сўмдан ёрдам бердик. З.Атоева, И.Умарова, Н.Эрматов, Ж.Имомовлар оиласига биттадан қорамол ҳадя қилдик. Яна 20 нафар ишчига энг кам иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида пул ва фарзандлари учун мактаб формаси, ўқув қуроллари улашдик. 16 нафар болакайнинг суннат тўйини ҳам ўтказиб бердик.

Корхонамизда ишлаб кетган фахрийларимизнинг ҳам ойлик коммунал тўловлари учун 10 минг сўмдан пул ва байрамларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан уйларига бориб, кўнгилларини оламиз.



*Жамоанинг фаол аёлларидан бир гуруҳи*

Бу йил Президентимизнинг ташаббуслари билан ёш оилаларга берилган имтиёзлар бизни ҳам қувонтирди. Янги турмуш қурган оилаларга биз ҳам 300 минг сўм суюнчи пули беришни кўзда тутганмиз. 1-"Гўзал" маҳалласини ободонлаштиришда жамоамиз доим жонбозлик кўрсатади.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тасарруфидаги "Ангрен-Поп" терминаллардан фойдаланиш корхонасининг ишчиларидаги кўтаринкилик, раҳбардаги жонкуярликни кўриб, уларнинг ишга келишни байрамдек қабул қилаётганларининг сабабини тушундик. Қанийди ҳамма жойда шундай бўлса!

**С. ФАХРИДДИНОВА**

# МАЪНАВИЯТИМИЗ—ҚУДРАТИМИЗ

Яқинда Ўзбекистон тарихи музейида Республика маънавият тарғибот Маркази аъзолари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирни Марказ бошлиғи ёрдамчиси Муҳаммадали Эронов бошқарди. Вилоятлардан ташриф буюрган маънавият тарғиботчилари бугунги долзарб масалалар хусусида фикр юритишди ва ўз тажрибаларини бир-бирлари билан ўртоқлашишди.

-Тарғиботчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва малакасини ошириш ўқув курсига вазирликлар, уюшма ва концернлар, компания ва агентликлар, бирлашма ҳамда турли ташкилотларнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича масъул ходимлари жалб этилмоқда. - деди биз билан суҳбатда М. Эронов.-Таниқли олимлар, журналистлар, ёзувчилар, шоирлар, тажрибали раҳбарлар билан учрашувлар-тингловчиларимиз учун янги-янги режалар манбаи бўлмоқда. Маърузачилар уларни Президентимизнинг Қарорлари, Фармонлари, Вазирлар маҳкамаси баённомаларидаги кўрсатмалар ва ҳуқуқий ҳужжатлар билан мунтазам таништириб борадилар. Ўз ўрнида курс иштирокчилари ҳам ечимини топмаган саволларини, воқеликка муносабатларини, таклифларини баён қилишади. Шу йўсинда турли вилоят вакиллари бир-бирларидан ибрат ва сабоқ олиш имконига эга бўладилар.

- Бу ўқув жараёни менда жуда катта таасурот қолдирди. 10 кун ичида кўп нарсалардан воқиф бўлдим-кўнглимда тугун бўлиб турган муаммоларнинг ечимини топдим, устоз ва маслаҳатгўй дўстлар орттирдим,-деди Илтифот Рахимова (Андижон Тиббиёт коллежи маънавиятчиси.)

-Аёл-оила юраги,-деди Султон Хорунхўжаев (Навоий КМК Жанубий кон бошқармаси ходими).-Японларда оила бюджетини аёл юритади. Оилани моддий томондан таъминлаш эркак зиммасида. Шу боис аёл эркакнинг топганини режа билан ишлатишга, болаларнинг ҳар томонлама етук қилиб вояга етказишга масъул. Демак аёл 1-ўринда билимдон, тадбиркор ва илғор тарбиячи бўлиши керак. Бизда ҳам шу тартиб йўлга қўйилса, айни муддао бўларди. Яъни айрим эркакларимиз оёқни узатиб уйда ётганча хотиннинг кўчада қоп кўтариб, пул топиб келишини кутиб ўтирмасди.

-Барча кўнгилсизликларнинг сабаби—оиладаги тарбиянинг кемтиклигидир,-деди Рустамжон Исроилов (Тошлоқ тумани 22-мактаб директори).- Агар она қизга, ота ўғилга: "Оилангнинг тинчлиги, фаровонлиги ва ширин-шакарлиги сенинг сабр-қаноатинг, ақл-идрокинг ҳамда жуфтингни доимо ўзинг билан тенг кўришингда",-десагина ва бу қоидага ўзлари ҳам қатъий амал қилишсагина, қиз ҳам, ўғил ҳам тинч яшайди. Афсуски, кўпгина ота-оналар бунинг аксини қилишади. Ёш оилаларнинг бузилишига сабабчи бўлган одамга чора кўриш жорий қилинганда, бундай ҳоллар камаярмиди...

Маънавиятчиларнинг гурунги қизғин давом этди. Сўз олганлар ўз ҳудудларида амалга ошираётган ишлари, байрамолди тадбирлар, одамлар руҳига бугунги куннинг шавқу-сururини олиб кириш учун яратаётган шарт-шароитлари ҳақида гапиришди.

**САНОБАР**

# ОТАЛИГИНИ ЭСЛАТИШ УЧУН СУДЛАШИШ ШАРТМИ?

Улуғларимиз айтадилар: ҳар бир дарахтнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси фарзанддир. Табиийки, яхши ният билан ниҳол эккан боғбон мева ейиш учун уч-тўрт йил меҳнат қилади. Дарахт ҳосил бергунга қадар асраб-авайлайди, озиқлантиради, суғоради, совуғу иссиқдан асрайди. Инсон боласи вояга етиши эса анчайин мушкул жараён. Уни ҳам ниҳолсимон парваришлаш, овқатлантириш, кийинтириш керак. Лекин асосийси бу эмас. Муҳими меҳр билан тарбия бериш, меҳрибонлик, ғамхўрлик билан қуршаб олиш, жонига жонингни улаб яшаш керак.

Ҳа, кўнглингнинг меваси мева бергунча эринмай, зорланмай у билан бирга қадамба-қадам одимлаш керак. Ана шундагина Ҳадиси шарифда айтилганидек, фарзандлар ҳам мева каби бир ширинлик эканини ҳис этасиз, мазасини туясиз. Қобил фарзандлар тарбиялаб элга қўшган, юртнинг корига ярайдиган инсон қилиб етказган ота-оналарнинг ҳаммаси ана шу ширин ташвишларни бошидан кечирган. Фарзандлари камолини кўрганда барча азоблари роҳатга айланган. Афсуски, барча оилаларда ҳам фарзандлар тўғрисида шундай ғамхўрлик қилинмайди. Оиланинг устуни ота. У оила аъзоларининг узоғини яқин, йўғини бор қилиш учун доимий ҳаракатда бўлиши, яшаш учун уй-жой, кийдириш учун кийим-кечак, еб-ичиши учун озиқ-овқат топиши шарт. Меҳр билан, муҳаббат билан тарбиялаши зарур.

Лекин арзимас сабаблар билан оила риштаталарини узиб, хотин-болаларини ташлаб кетган эркаклар фарзандларини оталик бахтидан маҳрум қилганлари етмаганидек, уларни моддий жиҳатдан ҳам ночор аҳволга солиб қўймоқдалар, алимент тўловларини тўламай юрадилар. Ғиждувон шаҳар Ш.Тожиддин кўча, 10 уйда яшовчи Рустамов Даврон Исматович туман судининг ҳал қилув қарорига асосан Шаҳло Бозоровага вояга етмаган икки нафар фарзанди учун ҳар ой сайин ишлаб топган даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент тўлаши керак эди. Лекин у 2002 йилнинг июл ойидан 2007 йил февралгача 454 минг 630 сўмлик алимент тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган. Агар 455 минг сўмни тўрт йил 8 ойга 2 болага тақсимлаганда бир ойда бир болага 4059 сўмдан тўғри келаркан. Бир кунда атиги 135,3 сўм. Бу иш Ғиждувон туман судида кўрилиб, Даврон Рустамов лозим бўлган нафақа пулларини тўлашга мажбур бўлди.

Тодонлик Облоберди Камолов боласини таъминлашда Даврон Рустамовдан ҳам ўтиб тушди. У фуқаролик ишлари бўйича туман судининг 2004 йил 13 апрелдаги қарорига кўра бир нафар боласига ой сайин алимент пулини Дилшода Жумаевага тўламай келган. Бу пулни ҳам икки йилу саккиз ойга тақсимласангиз, ҳар ойга 3356 сўм, бир кунга эса 118,8 сўмдан тушади, холос. Бола бу пулга бир кунда ҳатто битта музқаймоқ ҳам олиб еёлмайди. Бор-йўғи иккита арзонгина сақич чайнаши мумкин, холос. Савол туғилади: хўш, шу арзимас пул учун суд ажрим чиқариши керакми? Оталигини эслатиш, ёдига тушириб қўйиш учун судлашиш шартми?! Гарчи болангиз бошидан зар сочсангиз ҳам ота меҳри ўрнини боса оладими? Отанинг меҳр билан фарзандини парвариш қилиши, ҳол-аҳволидан хабар олиши муқаддас бурчидир. Ота таянч, меҳрибон маслаҳатчи, фарзандлар суянган тоғи, таъминотчидир. Умр ўлчовли, вақт борида хатоларингизни тузатиш пайида бўлинг. Шуни унутмангки, яқинларига меҳр қўя олмаган киши Яратганга ҳам меҳр қўя олмайди.

**Баҳодир НАЗАРОВ,**
**Бухоро вилояти, Ғиждувон туман прокурори.**

# ЭР-ХОТИНЛАР ТОИФАСИ

## V. Ғазаб

Ғазаб—инсон онг-шуурининг қуюшқонидан чиқиши. Кимнинг онг-шуури ожиз бўлса, унинг жиловдори - ақл камол топмаган бўлса шу одам ғазабга эрк беради, ғазаб отини минади. У ғазабга бор борлиғини бериб қўяди ва оқибатда инсонликдан чиқади. Оилада ғазабкор одам ким? Эр, эркак. Бинобарин, эркак - оила ғазабкори! У доимо оилада бўлиб турадиган арзир-арзимас камчиликларга ҳам ғазаб заҳрини сочиб юради. Ғазабкор одам вақт танламайди, маврид кутмайди, «ҳозир эмас, кейинроқ» деган сабрни билмайди. Ундай одамнинг ғазаб оти доимо эгарлоғлиқ, қиличи яланғоч туради. Заҳри оғзида, кучи муштида бўлади. Ундан уйдаги барча катта-кичиклар, болалару норасидалар қўрқувда, даҳшатла яшайди. Яшайди эмас, шунчаки кун кўради. Ғазабкор эр айниқса хотинининг шўри. Унинг ўзида бўлмаган тинчлик, хотиржамлик, ҳаловат хотинида, бола-чақасида бўлсинми?! На эрталаб нонуштада, на пешинда дастурхон атрофида, на кечқурун ётар олдида тотувлик бор, ширинсуханлик бор? Тунги ҳаёт ҳам силталаш, турткилаш, дўқ уриш билан кечса не ажаб!..




Сабаби - ғазабкор яхши сўзни билмайди, эркалашнинг кўчасига кирмайди, мақтов деган илиқ гапни тушунмайди. Буни қарангки, ғазабкор одамнинг тилидан заҳар томмай турганида аччиқ томиб турар экан. Мана шу даражада бўлади бу - касофат!..

Хотин бугун эрим уйга келмай қўя қолса ҳам майли эди,- (фалокат бўлмаса бўлди!) деб кўнглидан ўтказса, болалар отамизни уч-тўрт кун кўрмасак эди,- дейди, орзу қилади! Уйдаги жўжаси келганда кўзига кўринмай нари-берига ғойиб бўлади. Беданалар сайрашдан тўхтаб қолади, дерсиз? Йўқ, ундай сайроқи қушлар бундай уйда боқилмайди. Газета-журнал ўқилмайди. Ғазабкор одамнинг айтганини қилмаган одамнинг шу куни ҳолига вой... Ўзида ақл бўлмайди, ақлли гапни тан олмайди. Дўсти бўлмайди, биродар тутинмайди, жоҳиллик ҳамиша унга ёр. Аччиғи бурнининг учида турадиган одам худди шу одам. Қўшнилар фақат ва ҳамма вақт унинг ғазабкор товушини эшитишга мажбурлар. Радио, телевизор товуши, куй-қўшиқ овози эшитилмайди. Қўшнилар кўчиб кетгудай бўлса, мана шундай касофатлар дастидан кўчиб кетади...

...Болага исм баъзан айрим сабабларга кўра қўйилади. Биз ҳикояга танлаган одам дунёга келишида онаси кўп қийинчиликда, азобда қолган экан. Доя дўхтирлар ҳомилага беихтиёр: «Бўлди-да, мунча қайсар бўлмасанг, туша қолсангчи!» деб юборишган экан. Шу бўпти-ю, ҳамма уни жисми исми билан бирга туғилди, деб Қайсар номи ила аташадиган бўлишибди. У чиндан ҳам ўжар, қайсар бўлиб катта бўлибди. Ўзи мустақил оила қургач, оила тебратишнинг, хўжалик юритишнинг аччиқ-чучукларига, тирикчиликнинг борди-келдиларига бардош бера олмай, тамомила ғазабкор бўлиб, суяги қотибди...

Кунларнинг бирида Қайсарнинг икки яшар ўғли - Азиз атак-чечак қилиб югурмоқчи бўлган экан, қоқилиб йиқилибди-ю, бурни дўнгликка тегиб, қонаб кетибди. Фалокат оёқ остида, дейишади. Шу топ отаси - Қайсар келиб қолади. Ўғлининг аҳволини кўриб, хотини Жорияга: «Болага нимага қарамадинг, ж...»-дейди-ю, уни дўппослаб кетади. Болалигидан бошлаб муштуми тошдек қаттиқ Қайсарнинг қўли кетма-кет хотинининг бурнига тушади. Бурун чиғаноғи бир неча еридан синиб кетади. Қон тирқираб оқа бошлайди. Дод-войни эшитган қўшниси - Ҳайдарвой чопиб келса, Жориянинг аҳволи чатоқ. Унга қарайдиган одам йўқ. Қайсар эса бўралаб сўкиниб Азизжонни кўтариб олган. У зудлик билан «Жигули»сини олиб чиқиб, иккала шикастани касалхонага элтади. Бола сал ўтмай ҳеч нарса бўлмагандай яна югургилаб кетади. Аммо онаси Жориянинг бурни ўн кун деганда чап томонга қийшайиб битиб қолади. Дўхтирлар ҳарчанд уринмасинлар тўғрилашнинг эвини қила олмайдилар. Шундай қилиб, Жориянинг чиройли нозик бурни бедаво бир ҳолатда қолиб кетади. Бу Қайсарнинг ғазабидан нишона бўлиб одамлар оғзида достон бўлади...

Яна бир куни нима бўлади-ю, Қайсарнинг кишилик кўйлаги вақтида ювилмай қолади. У «кияман, кўйлагимни бер»,-деса ҳам хотини дарҳол унга тутқиза олмайди. Хотини: «Сал сабр қилинг, ҳозир ювиб, дазмоллаб бераман», деса бесабр эр уни ғазабга олади ва шундай мушт тушира дики, Жориянинг нақ кўзи чиқиб кетай дейди. Кўзларидан олов чақнаб кетади. Унинг толеига яхшиямки, дўхтирлар бор. Бир ҳафта дори-дармон қилиб гул юзида қолган чандиқ билан уйига жавоб беришади. Қайсар бўлса, бундан ҳам ўзига тегишли сабоқ олмайди. Битта боласи иккита, иккитаси учта бўлиб кўпайиб боради. Жориянинг афт-башарасидаги мушт асоратлари эса ортиб бораверади. Қайсарнинг ғазаби пасаймайди ҳам, ақли ҳам кирмайди.

Турмушда бола-чақали хотин кишининг «эримдан ажрашаман»,-дейиши ўта иснод, жуда уят. Фақат Жориянинг эмас, унга ўхшаган фалончи-писмадончиларнинг ҳам ҳаёт тарзи шунақа. Буларнинг ҳаётини кўриб туриб, аёл кишининг қирқта жони унинг андишасида, бардошида, болаларида, дегинг келади...

Бир йили Қайсар бир новвос боқди. Уни сўкиб-туртиб, тепиб-уриб буқа қилди. Бир куни у шу буқасини молхонадан олиб чиқиб, сигирини қочирмоқчи бўлган эди, у қасосини олмоқчи бўлдими - Қайсарга шох ташлаб қолди. Буқанинг шохи учли эди, тик эди. Боши залворли эди. Эгасининг қорнини ёриб юборди. Бирпасда қий-чув бўлди, бақирув-чақирув бошланди. Қўшнилар Қайсар хотинини ураётган бўлса, бечорани ўлдириб қўймасин, тағин, дея югургилашиб келишди. «Ҳайрият-ей!» деб юборди улардан биттаси Жориянинг соппа-соғлигини кўриб. Аммо бу пайтда Қайсар ерда қонга беланиб ётарди. Яхши қўшнилар яхши-да! Зудлик билан касалхонага олиб кетишди. Дўхтирлар барака топсин, уни тезда операция қилиб, ўлимдан сақлаб қолишди. Таажжубки, фожеанинг тепасида турган унинг хотини ҳам, фарзандлари ҳам жонлари ачиб йиғламадилар, дод-фарёд ҳам қилмадилар. Ҳаммалари сўррайганча тик қотиб турдилар... Эй, сен меҳр-муҳаббат! Қайдасан? Нечун ҳаммада борсан, буларда йўқсан?..

«Қайсар омон-эсон операциядан чиқди. Дўхтирларга раҳмат!» деган овозалар уйга етиб келганида Жория ва унинг болалари севиндиларми ёки йўқми, маҳалладагилар тушунмай қолишди. Бир аёл: «Эссиз!» деди-қўйди... Болалар - ҳамиша болалар! Кўп ўтмай ўйин-кулгуга берилиб кетишди...

*Ғазаб, ғазаб! Қаҳринг мунчалар қаттиқ*
*Не-не аёлларнинг кўзлари ботиқ.*
*Инсофга киринг, эй шоҳзод эркаклар,*
*Меҳрингизга қонсин ташна юраклар.*

**Азимжон ҚОСИМОВ**

# ТАРБИЯГА МУҲТОЖ "ТАРБИЯЧИ"

Таҳририятимизга бир аёл қўнғироқ қилиб, ўзини қийнаётган турмуш муаммолари тўғрисида гапириб бермоқчилигини айтди. Ёши 20да, исми Мунаввар экан.

- Ота-онам, "Ҳали ўқийман, орзуларим бор", дейишимга қарамасдан, 18 ёшимда турмушга узатиб юборишди,-дея сўзлай бошлади аёл. - Оилага тўнғич келин бўлиб тушдим. Эримнинг уч укаси ва турмушга чиққан бир синглиси бор эди. Бир йилгина ширин яшадик. Кейин, бўйимда бўлавермагач, қайнонам менга терс гапирадиган, "қилдан қийиқ ахтарадиган" бўлиб қолди. Унинг бундай муомаласига эътибор бермасликка, ҳамма гапни кўнгилга олавермасликка ҳаракат қилсам-да, жуда сиқиламан.

Қайнона-қайнотам кенжа ўғли билан шаҳар четидаги ҳовлимизда туришади. Шаҳардаги икки хонали "дом"да эрим, мен ва икки қайним - биргаликда яшаймиз. Қайниларим коллежда ўқишади. Иккаласининг юриш-туриши, овқатланиши, кийинишига ҳам мен жавобгарман. Бировга масъул бўлиш қийин экан. Доим уларнинг хизматларини қилиб, жоним ҳалак бўлиб туради.

Кейинги пайтларда қайниларим дарс қилиш ўрнига, кўчада соатлаб ўтиришадиган, маҳалладаги бекорчи болалар билан бирга юрадиган одат чиқаришган. Баъзан вақт алламаҳал бўлаверса, уларни чақирсам, ўртоқлари олдида менинг гапимни писанд қилмай, "Ишингизни қилинг, хўжайинмисиз?" дейишади.

Тунов куни ҳам яқинда қамоқдан чиқиб келган маҳалладаги бир йигит билан ўтиришган экан. Мен қайниларимга: "Уйга киринглар, ҳозир акангиз келса, уришади", - дедим. Шунда ёнидагилар:

- Қара, "нянканг" чақираяпти. "Детский час" бўлганга ўхшайди...- деб кулишди. Бир оздан сўнг қайнимнинг ҳар иккиси ҳам орқамдан келиб, мени ўртага олишиб, роса "талашди". Мен ҳам улар билан уришдим. Бундай муомаламни кўришмаган қайниларим, эрим келиши билан мендан шикоят қила бошлашди. "Хотинчангизни йиғиб олинг", деб бири қўйиб иккинчиси кекирдагини чўзиб бақиришди. Эримга ўзимни оқлаб гапирган эдим юзимга бир тарсаки туширди. Хуллас, уйда каттагина жанжал бўлди.

Бу орада қайниларим ота-онасининг олдига кетиб қолишди. Кеч бўлишига қарамай кетишиб қолгани мени бир хавотирга солса, қайнонам энди нима дейди, деган савол хавотиримни икки карра кучайтирди. Эрим ҳам мен билан гаплашмай қўйди. Ўша куни тонг отиши жуда қийин бўлди...



Кутганимдек, эрталаб қайнонам етиб келди. Мен олдиндан аччиқ-аччиқ гапларига тайёрланиб турган эдим. Аммо "Ўз боланг бўлмаганидан кейин, бола қадрига етармидинг? Аввал бола боқиб катта қилгин, кейин тергайдиган бўласан!"- деган гапларини кутмаган эдим.

Аёлнинг овози бўғиқ эшитилди. У йиғларди.

**- Эрингиз сизни тушунса, онангизга тушунтирса бўларди-ку?**

- Эрим мени тушунади-ю, лекин уйидагиларининг олдида тарафимни олишни хоҳламайди. Қайниларим билан уришиб қолганимдан кейин, мени уриши учун кечирим сўради. "Укаларимни, "нимага келинойинг билан уришдиларинг", деб хафа қилсам, ота-онам нима дейди? Сен мени тўғри тушун...", - деди. Мен уни тушунаман. Аммо неча кундан бери уйдагилар мен билан гаплашишмаяпти...

Менимча, қайнонамнинг дилида бошқа алами бўлса керак... Қайнсинглимнинг уйида кўп келишмовчиликлар бўлиб туради. Шунинг учун фақат угина мени тушунади, далда беради. Ўша жанжалдан кейин онасига, укаларига мени авайлашларини қайта-қайта тайинлади. Лекин аҳвол ўзгаргани йўқ. Уйга кетсаммикин, деб ҳам ўйлаяпман... Яна у ёқда ота-онам, бу ёқда эрим... Фарзандим бўлганда, бу гапларга чидардим....

- Синглим, сиз хафа бўлманг, турмушда шундай келишмовчиликлар, дилхираликлар бўлиб туради. Афсуски, қайнонангиз сизни нотўғри тушунибди. Лекин сиз унинг гапларини юрагингизга оғир олманг. Битта жанжалдан аразлаб кетишни ўйласангиз оилангизга, эрингиз билан муносабатингизга дарз кетиши мумкин. Ёш экансиз, турмушга чиққанингизга кўп вақт бўлгани йўқ экан, ҳали албатта фарзандли бўлиб кетасиз. Фарзандли бўлиш, унинг меҳри олдида бу дилхираликлар ҳеч нарсага арзимай қолади. Фақат сиз турмуш, оила, рўзғор билимини ўқиб, ўқиб бораверинг. Айби-хатоси борларни кечиришга ҳаракат қилинг, бир куни уларнинг ўзи сизнинг олдингизда хижолат бўлишади...

Мунавварга шу каби маслаҳатларни бериб, хайрлашгач, ўйланиб қолдим.

Бир қараганда бу гаплар турмушда бўладиган оддий гап-сўзлардек туюлади. Бироқ чуқурроқ ўйлаб қаралса, ҳали ҳаётга бутунлай тайёр бўлмаган ёш келиннинг зиммасидаги масъулиятни, кўпни кўрган, турмуш тажрибаси кўпроқ онахонларимиз ҳам эплаши мушкул. Икки ўспириннинг кундалик юриш-туриши, ҳали ўзи назоратга, эътиборга муҳтож келин учун оғирлик қилмасмикин? Бунинг устига, қайнонанинг наштардек гаплари, илинж билан яшаётган икки ёшнинг оиласини мустаҳкамлаш ўрнига, нурашига асос бўлмасмикан? "Яқин сирдошим йўқ...", дея ўкинаяпти суҳбатдошим. Шу ўринда қайноналарга айтадиган гапим бор...

Ўзга хонадонда гулдек авайлаб ўсган бир қизни "қизим" деб, не умидлар билан уйингизга олиб келдингиз. Келинингизга яхшилаб разм солинг. У сизга бир нима демоқчи эмасми? Юзларингиздан, кўзларингиздан, сўзларингиздан меҳр учқунларини изламаяптимикин?..

Дилидаги ғамни айтишга сирдош тополмаётган келин, сизнинг келинингиз эмасми?

Ахир келинингиз - фарзандингизга, набирангизга, қолаверса, сиз учун ҳам бир умрлик суянч-ку...

**Бу хусусда сизда қандай фикр бор, азиз юртдошлар?**

**Хулкар ҲОТАМБОЕВА**

*Қўнғироқларингиз...*

# ТОҒАМДАН ХАФА БЎЛДИМ...

- Ассалому алайкум, менинг исмим Гулнигор, тошкентликман. Ёшим 14 да, - дея бир қиз гап бошлади гўшакни олсам. - Биласизми, мен таҳририятга бора олмайман. Лекин гапимни эшитсангиз, жуда хурсанд бўлардим.

**- Мана гапингизни эштаяпман-ку, гапиринг, - дедим Гулнигорга.**

- Опажон, олти ой аввал онам вафот этди. Мен, укам ва отам қолдик. Газетангизни онажоним уйга олиб келиб ўқир эди, энди мен ҳам олиб ўқияпман. Онамни кўргандек бўламан гўё... У киши ҳаётлигида ғамимиз йўқ эди. Энди эса ҳар томонлама ташвишдамиз.

**- Нега?**

- Чунки, биз тоғамнинг бир уйида яшардик. Тоғам уйни онамга совға қилганди. Яқинда уйга келди-да, дадамга: «Почча, кечирасиз энди уйни бўшатасизлар. Опам бўлса ўлиб кетди, сиз ҳали ёшсиз. Барибир уйланасиз. Бу уйда бегона аёлнинг яшашини истамайман. Кўчиб кетинглар, бир ойдан сўнг уйни сотаман»,-деди. Отам хафа бўлди. Чунки бу уй отамнинг ишхонасига ва бизнинг мактабимизга яқин эди. Шунча ялинса ҳам тоғам кўнмади. Энди эса кўчишимизга тўғри келади...

**- Яна уйинглар борми? Ёки...**

- Уйимиз бору, узоқда. Яна таъмирланмаган. Шунга кўчиб кетсак керак. Мен тоғамдан қаттиқ хафа бўлганини ўзига билдирмадим. Ахир онам вафот этган бўлса биз ҳам унинг жигарлари ҳисобланамиз-ку! Ёки биздан ҳам воз кечдимикан? Ўзимиз-ку, онамдан айрилиб юрагимиз ҳасратга тўлиб ўтиргандик, энди бу гап ҳам қўшилиб бизни эзаяпти. Агар уйдан чиқиб кетсак, тоғам билан бошқа борди-келди қилмаймиз, деган қарорга келганман. Отам эса, «Риштани узмайсизлар, майли, мен бегонаман. Сизлар ўз опасининг фазандларисизлар-да. Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди», - деяпти. Хуллас, тоғамни жуда ёмон кўриб қолдим. У бизнинг ўксиб қолган кўнглимизни кўтариш ўрнига уйидан ҳайдаяпти.

**- Гулнигор, тоғангизнинг болалари кўп, ночор одам эмасми?**

- Йўқ, иккита «Мерседеси», бир нечта ҳовлиси бор, яхши яшайди. Шунинг учун ундан кўнглимиз қолди. Онам билан...

Гўшакдаги суҳбатимиз узилди. Гулнигорга, «Отангиз тўғри айтибди, ҳар қанча молпараст, инсофсиз бўлса-да, у жигарингиз. Шу боис ёмон гапирманг. Бу хатосини тушуниб олар. Ҳар қалай уйингиз бор экан-ку. Шу ерга кўчиб. Тинчгина яшанглар. Оқлаб, ярақлатиб тозалаб, жиҳозлаб олгач ҳамма уйлар ҳам шинам бўлади. Рўзғорингиздаги мана шу ишларни катта қиз сифатида ўз зиммангизга олинг!» - демоқчи эдим. Улгура олмадим. Алоқамиз узилиб қолди. Азизлар, ноинсоф тоғага сиз нима дер эдингиз?

**ГУЛБАШАКАР**

# ЯРАТГАННИ УНУТИБ ҚЎЙМАЙЛИК...

Бир иш билан туман марказига борган эдик. Ишимиз тезроқ битмади, кечроқ ортга қайтадиган бўлдик. Салқинлаш учун туман марказидаги кафелардан бирига кирдик. Музқаймоқ еб ўтирсак, шундоқ олдимиздаги столга 15-16 ёш атрофидаги уч қиз ва икки ўспирин йигит келиб ўтиришди. Кийимлари деярли бир хил - қизил майка, ярим тиззадан келадиган шортик... Қўлларида сотка... Ярим-ёрти гаплар...

**Икир-чикир. Лекин...**

Ё, алҳазар! Кирганимизга мен ҳам, дўстим ҳам пушаймонмиз. Наилож, уларни кузатамиз. Соткадаги гапларини қаранг:

- Алло, Нилу, тез кегин, Шурик шу ерда!

- Алло, Қоравой бугун бозор қандай бўлди? Эримайсанми? Тез етиб кел. Жам ҳам шу ерда.

Ё, тавба!

Шу арзимас нарсани ҳам ёзиш шартмикан, деб ўйларсиз, биродар! Афсус-надоматлар бўлсинки, қайси ота-онага, ўз фарзандингиз шунақа экан десангиз, сиздан ранжийди. «Ўзим қийинчиликда ўсдим, болаларим сал эркин ўссин», - дейиши аниқ. Ким буларга шунчалик эркинлик берди? Бу ёшларни ота-онаси борми ўзи? Миллий урф-одатлар қани? Илгари кеч бўлиши билан бизни ота-оналар кўчага чиқаришмас эди. Ҳозир-чи? Бугунда, ҳар бир инсоннинг ўз дарди бор. Лекин, дард устига чипқон бўладиган ярашмас одатлар, бузуқ қилиб ўзбекча сўзлашлар қаердан келиб чиқаяпти? Ярим яланғоч таналарни кўраверib, йигитлар ҳам майдалашиб кетмаяптимикан?

Юрагимни бир парчаси эзилиб, шу жумлаларни ёзаяпману, яратган Эгамни унутиб қўймайлик, дегим келаверади...

**Султонмурод ФАЙЗИЕВ,**
**Бўка тумани.**

# САБР-БАРДОШИНГИЗГА БАЛЛИ...

Акс-садо



**«Кечиримли бўлиш яхши, аммо...» - 25-сон**

*ЭСЛАТМА: Поччам таниқли актёр эди. У бир раққосага илакишиб, опамни, фарзандларини ташлаб кетди. Йиллар ўтиб у инфаркт касалига учради. Раққоса эса уни олиб келиб ташлади. Опам поччамни кечирди. Шу тўғрими? Ахир поччам опамнинг қадрини ерга урганди-ку! Ёки унинг тутган йўли тўғрими?*

**Муаллиф: Гулбашакар**

Мақолани қизиқиб ўқиб чиқдим. Гулдай хотини, 4 нафар бирбиридан ширин фарзандларини ўйламай, босар-тусарини билмай қолган, раққосанинг орқасидан эргашиб кетган Раҳимга лаънатлар ўқидим. Наҳотки, ўша раққоса сенинг ўзингга эмас, пулларингга ошиқлигини англаб етмасанг? Ширин-тотув оилангни ўйламасанг?.. Қалтис қадам, хиёнат хор-у зорликка олиб келишини англаб етмасанг?..

Лобархонга раҳмат, сабрбардошли аёл экан. Эрининг барча хиёнатларига чидабди, фарзандларини ҳам яхши тарбиялабди, ишлабди, яна шунча хўрлаган, хиёнат қилган эрини кечириб, уни даволатибди. Ҳақиқатан ҳам у севгисига содиқ аёл экан. Лобархон, аёл, она сифатида сизга ҳавасим келади. Сиздек аёллар кам топилади. Сабр-бардошни сиздан олсак арзийди.

Қаранг, эрингизни сизнинг уволингиз тутибди, шу кунга тушибди. Уни кечирибсиз, бу яхши фазилат. Шу ерда Лобархон, сизнинг ҳаётингизга ўхшаган бир воқеа эсимга тушди.

Бунга ҳам 32 йил бўлибди. Хўжаобод туман партия қўмитасида хотин-қизлар ишлари билан шуғулланувчи йўриқчи эдим. Бир куни ҳузуримга қўлида 5 ойликлар чамаси ширингина бир ўғилчаси бор аёл келиб, эри 4 нафар фарзандини ташлаб, бир суюқоёқ бефарзанд аёл билан кетиб қолганини, эри билан олийгоҳда бирга ўқиб, севиб-севилиб турмуш қурганликларини айтиб, кўз ёши тўкди.

Орадан 2 кун ўтиб, ўша аёлнинг эрини топиб, хотини билан биргаликда суҳбатлашдим. Оиласига, фарзандларини олдига қайтишини қаттиқ илтимос қилдим. Лекин эркак ҳеч кимнинг гапига кирмади. Ўзи танлаган ифлос йўлдан қайтмади. Ҳатто талпиниб турган ўғилчасини ҳам қўлига олмади. Шунда хотини унга қараб, шундай қарғанди: «Илоё, хор-зор бўлгин, фарзанд кўрмай тирноққа зор бўлиб ўлгин, боланинг тобутинг устида «отам»лаб йиғлашсин», - деди-да, йиғлаб, боласини кўтариб чиқиб кетди.

Аёл 4 нафар фарзандини оқ ювиб, оқ таради, ўқитди, элюртга қўшди, уйлади, жойлади. Эр шу кетганича қайтмади. Ўша севгилисига уй-жой қуриб берди. Аммо севгилиси эса уни назар-писанд қилмай, бошқаси билан топишиб, айшини суриб яшади. Эр касал бўлиб узоқ ётиб, ўша хотиннинг уйида вафот этди. Хотин эса ўликни бировлар орқали фарзандларига бериб юборди. 5 ойлида отадан айрилиб, онанинг қўлида қолган кенжатойи отанинг тобутини кўтариб, «отам»лаб зор-зор йиғлаб, барчанинг юрагини эзди. Хотин ҳам фарзандларига қўшилиб уввос солиб йиғларди.

Ўшанда хотин кишининг қарғиши ўнг келишига биринчи бор гувоҳ бўлдим. Эркакларга ибрат бўлсин, дея «Хотинининг қарғишига қолган эр» номли мақола ёзиб, барча газеталарга юбордим. Мақола босилиб чиқиб, мухлислар уни севиб ўқишган эди. Ҳа, хотинига хиёнат қилганлар ана шундай аянчли кўйга тушишларини эркаклар англаб етсинлар. Раҳимдек хатога йўл қўймасинлар. Ҳаётда ана шу раққосага ўхшаб бировларнинг эрини йўлдан урадиган, тортиб оладиганлар талайгина. Эркаклар ўзларини ана шундайлардан олиб қочишлари керак. Лобархон, сиз жуда тўғри иш қилибсиз, эрингиздан меҳрингизни аяманг. У хатосини тушуниб, пушаймон бўлсин.

**Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Андижон вилояти,**
**Маънавият тарғибот маркази,**
**Булоқбоши туман бўлими раҳбари.**

Қизим, яхшиямки опангизга Оллоҳим энг яхши инъомлардан бири, фазилатларнинг фазилати сабр-бардошни ҳадя этган экан. Бунинг учун опангизга Оллоҳнинг раҳматлари ёғилсин. Эгри йўлига кирган поччангизга ўчакишиб, беҳаё, ноинсоф, ўйинчи аёлга ўчакишиб фарзандларини етим қилмаган, бемор эрини кўчада қолдирмаган, уни яна ардоғига олиб меҳр билан парвариш қилаётган опангизга бардош, сабр, соғлик омонлик тилайман. Поччангиз эса тезроқ тузалиб, опангизни яна олдингидек севишини яратган эгамдан тилаб қоламан. Шу ўринда бир таниш опамнинг суҳбати ёдимга тушиб қолди. Бу аёл жуда лобар, келишган, фарзандлари кўп, севишиб турмуш қурмаса-да, эр-хотин бир-бирига боғланиб қолишганди.

Қайнонасининг ҳурматини жойига қўйди. Қиз чиқарди, ўғил уйлантирди, яхшигина қайнона бўлди. Эрини ўқитди, олим қилди. Рўзғорнинг моддий томонига бош-қош бўлди, чеварчилик қилди, савдо билан шуғулланди. Болаларини олий маълумотли қилди. Ҳамманинг ҳаваси келган рўзғорда эр қилиқ чиқарди. Аста-секин уйга 1-2 кун келмайдиган бўлиб қолди. Аёли эрим китоб ёзяпти, халақит бермай дерди. Бу ҳол секин-секин бошқача тус ола бошлади. Дугоналари ичида узун-қулоқ гаплар ёйилди. Аёл ишхонасига аста суриштириш учун одам қўйди. Дугоналари айтган гаплар рост чиқди. Эри ўз котибасига уйланиб олган экан. Яхшилик билан эрини қайтармоқчи бўлди, эри парво ҳам қилмади. Аёл ўзини ишга урди. Кимга дардини айтсин? Дўстлари ачинади, душманлари бирига икки қўшиб ейишади. Орадан анча йиллар ўтсада яна ўша узун қулоқ гаплар келди. Эри ётиб қолган эмиш, юраги тез-тез хуруж қиларкан, қараттиришга пуллари ҳам йўқ эмиш, хотини яхши қарамаётган эмиш. Аёл ҳеч иккиланмай болаларини йиғибди-да: "Болаларим мен отангизни уйга олиб келиб даволатишга қарор қилдим",-дебди. Эри яшаётган уйга борибди. Кўрсаки не аҳволда ётганмиш.

Ўғиллари уйга олиб келибдилар. Даволатишибди. Аммо касаллик уни енгибдими, ёки виждон азобиданми аҳволи янаям оғирлашибди. Аёлига қараб ўзича бир нималар деб ғулдурлабди, сўқир кўзлари ёшга тўлибди. Охирги сувни ҳам кўз очиб кўрган хотини томизибди, юзларини силабди. Ўлмасин эди, ахир болаларимнинг отаси эди, деб йиғлабди.

Болалари, куёвлари, маҳалла-кўй билан охирги манзилига кузатибдилар. Маъракаларини ўтказишибди. Ҳадислар варағини варақларканман унда: **"Хотин зуҳд ва тақво соҳиби бўлса ҳам, арзимаган нарсадан хафа бўлиб, эр сирини очиб қўйиши ярамайди. Аёл туйғулари ақлдан устунрокдир. Севгисини ҳам, нафратини ҳам эркакдан кўпроқ билдиради. Оз нарсага севиниб, кичик нарсадан хафа бўлишини ёдда тутиши лозим"...**

Оила-муқаддас ва нозик қадриятлар устига қурилган. Эр-хотин бир-бирига Аллоҳнинг муқаддас бир омонатидир. Омонат яхши сақланмоғи, унга хиёнат қилинмаслиги зарурдир.

Ҳа, Оллоҳимга унинг берган синовларига ношукурлик қилмагани, ўзини шарманда қилиб эримни тортиб олдинг, деб ўша хотин билан ёқавайронлик қилмагани учун, бемор пайтида, охирги дақиқаларда эри—болаларининг отаси ёнида туриб, юзларидан силаб, бир пиёла чой бериб рози қилгани учун балким бу лобар Аёл-онага яратган эгам Хожи оналикдек улкан бахтни раво кўргандир. Ҳожи онамизни бориб зиёрат қилиш менга ҳам насиб этсин. Синглим, балким "Сабрнинг таги олтин" деганлари шу эмасмикан?

**БУВИЖОН,**
**Қарши шаҳри.**

Мен ҳам муаллифнинг фикрига қўшиламан. Лобар ҳақиқий муслима, яхши тарбия кўрган аёл экан. Рўй берган воқеа учун юраги сиқилгандир, дунёга сиғмагандир, шундай бўлса-да, сабр-тоқатли экан. Унинг жонига Оллоҳ тўзим берсин.

Оилавий ҳаётда турли воқеаҳодисаларга жиззакилик, сабрсизлик кетмайди. Оилага дарз кетади. Тўғри, эшитган қулоққа ёмон. «Палончининг эри ташлаб кетибди. Яхши бўлса ташлаб кетармиди?» «Бир гапи бордир-да, палончининг эри бекорга ташлаб кетадими?» Аёл ўзига тўғри бўлса, ҳалол бўлса, ҳаммаси тезда аён бўлади. Бунинг учун Лобархондек «кўзни кўр, қулоқни кар» қилиб озгина чидаш керак. Баъзи одамларга миш-миш ёқади. Шуни гапириб ё эшитиб ҳузурланади, бўйнига гуноҳ орттираётганини ўйламайди. Тирик шайтонларни айтмайсизми? Шайтоннинг ўлиги ҳам бўладими, дерсиз. Кўзингизга кўринадиганларни урғуламоқчиман. Кўз олдингизга келгандир. Раққоса! Макри қанча бўлса ишлатибди. Ўқимишли, зиёли, қўлида бараkаси бор актёрнинг ақлини ўғирлабди. Актёрнинг қобилияти, обрўсидан, топиш-тутишидан фойдаланиб, «оборот»ини кенгайтириб олибди. Бир нечта дўконга эга бўлибди. Шайтон раққосанинг асл мақсади ҳаммани пулга айлантириш. Унинг эри, муҳаббати, боласи, худоси, онаси, отаси, туғишгани - ҳаммаси пул! Актёрни ҳам пул қилиб юборди. Ундан инсоний фазилат излаш ўринсиз. Агар бўлганида актёрнинг соғлиги учун озгина бўлса-да, қайғурарди. У соғлигини йўқотдими, энди кераги йўқ. Тузатиш, соғайтириш учун пул сарфлаб ўтирадими? Пул топар бир актёрми? Эртага яна биттасини тузоғига илинтиради. Оилавий масаладаги унинг масъулиятини телефон орқали айтган мана бу гаплари яққол намоён этади. «Ҳой, эрингни уйингга олиб кириб олдингми? Энди менга кераги йўқ. Бунинг устига у қонуний эрим эмас. Керак бўлса боқиб оларсан. Мен бошқа эркакка турмушга чиқаяпман».

Нима бўлганда ҳам Лобар тўғри иш қилган. Майибми, мажруҳми, ҳар қалай у болаларимнинг отаси, деяпти. Ҳақиқий жаннати аёлнинг гапи. Ҳадиси шарифда ҳам эрнинг ризолигига эришмай туриб аёлнинг жаннати орзу қилиши беҳудалиги ҳақида айтилади.

Раққосага ўхшаган маккораларга Оллоҳ инсоф берсин. Актёр укамизга ўхшаган пули, бойлиги, имкони бор бойвачча биродарларимиз бунга ўхшаш воқеалардан тўғри хулосалар чиқариб олсалар яхши бўларди. Кимга ғамхўрлик қилаётганлигини биласизми? Одамзод пайдо бўлибдики, улар бир-бирини қувватлайди, ёрдам беради, ғамхўрлик кўрсатади, меҳроқибатнинг савоби улуғ. Бу тирик оламдаги ҳар бир ишимиз, хатти-ҳаракатимиз, фикр сўзимиз учун ҳам ажр-савоблар бордир. Гап - унга эришишда.

Актёрга келсак, у пушаймон шекилли. Лобарнинг қўлларини силаб, миннатдор бўлиши, кўзларидан ёшлар оқиши шунга далил. От айланиб қозиғини топибди. Бу ёғига адашмаса бўлгани. Қозиқ Лобар ҳам ўзи ўрнида бўлмаганида борми, бу фожеа эди. Оллоҳ асрагани рост бўлсин.

Муқаддасхон опасидан ўрнак олса, фахрланса арзийди. Опаси тўғри йўл тутган. Маккора - шайтон раққосага пули кетса ҳам актёрнинг жони фойдага қолган, шукр қилсин.

**Мўмин ХОЛМУРОДОВ,**
**Қарши шаҳри.**

# ҚИЁСИЙ ДАРАЖА



Бир идорага зарурат юзасидан қисқагина маълумот олиш учун борган эдим.

-Ё тушликдан кейин келинг, ё эртага,- деди мулойимлик билан котиба қиз.

- Хўп, яхшиси тушликдан кейин,- дедим-да ташқарига чиқдим. Кун иссиқ, қуёш беаёв қиздирмоқда. Шундоққина йўл четидаги майдонда кафе бор экан. Одам жуда кўп. Ичимлик сувлар навбати узундан узоқ, музқаймоқ ҳам. Кўл-кўлга тегмайди. Сомсаю, варақилар, турк кабобию, мен отини билмайдиган егуликлар, ҳар бирига одам тирбанд. Энг қизиғи, хўрандаларнинг кўпчилиги ёшлар, талабалар. Разм солиб ўтирибман. Барибир бекорчиману. Талабалар худди ёш олимларга ўхшашади. Оқ кўйлак, галстук, сочлар замонавий кестирилган, олимлар тутадиган ихчам папкалар ва энг муҳими одоб ва тарбияси ҳавас қилгудай.

Биз ўқиган йилларни эсладим. 60-йилларда талаба ҳаёти мутлақо бошқача эди. Очиғи, талаба ҳаёти ночорлик, етишмовчиликлар билан тўлиб-тошиб ётарди. Бунақанги кафеларда қимматбаҳо озиқ-овқатлар тановвул қилиш камдан- кам бўлган. Ҳозирги ёшларга, уларга яратиб берилган ажойиб, қулай шароитларга ҳавасим келиб ўтирибман.

Рўпарамдаги столга бир йигит қиз билан ўтирди. Йигит иккита "Хот-дог" билан икки баклашка ичимлик сув олиб столга қўйди. Қиз ютоқиб кетибди шекилли дарров сувни олиб култ- култ ича бошлади. Бу ерда стакан ёки пиёла берилмас экан. Ҳамма идишнинг оғзидан ичаркан. Йигит қиз ҳижолат бўлмасин, деди шекилли, ўзини кўрмаганга солиб турди. Қиз баклашкани бўғзидан ичган сари бошини тепага тик кўтарар, пешонасидаги гажаклари ёйилиб юзкўзини тутиб кетарди.

"Бироз сабр қилса-чи, одоб билан ичса-чи",- дейман ўтирган жойимда уни кузатиб. Йигит ҳам баклашкани очди, аммо бироз пастга энгашиб одамлар назарига тушмайгина ича бошлади. Кейин "Хот-дог"ни ея бошлашди. Қиз ўзини жуда эркин тутар, атрофидагиларга парво қилмас, гоҳ йигитнинг елкасига қўлини қўяр, гоҳ унинг сочини силаб, жилмаяр эди. Назаримда ўзини доно ва билимдон санарди. Қиз еб бўлиб яна сув симирди, сўнг беписандлик билан бўшаган баклашкани стол тагига улоқтирди. Тарақлаб тушган идиш овозига ҳамма бир-бир қараб қўйди. Мен ҳам қарадим. Ҳам рўпарамда, ҳам бекорчиман. Қарасам, оёқларини бир-бирига чоғиштириб ўтириши шунақанги хунук кўринаяптики, бир қаричгина калта юбка ўтирганда юқорига сидирилиб нақ сонининг тепа қисмигача очилиб турарди. Ана фаросату, ана кўп ичида ўзини тутиш, дейман ўзимга-ўзим ижирғаниб.

Йигитнинг иштаҳаси йўқ шекилли бир- икки тишлади-да, емай ўтираверди. Аммо орада гоҳ- гоҳ сувдан ҳўплаяпти.

- Емайсизми?- деди қиз. Овози ҳам йўғонгина экан.

- Исиб кетдим. Яқинда овқатланган эдим,- деди йигит кулимсираб.

Қизнинг сумкаси йигит қўлида эди. Туриб кетишаётганда йигит қоғозга ўраб ейилмаган "Хот-дог"ни сумкасига солиб берди. Қиз бундан негадир ажабланмади, ҳижолат ҳам бўлмади. Тавба, шунақаси ҳам бўларкан-да. Уларга анқайиб кузатиб турсам тепамда бир йигит қиз билан турипти.

- Холажон, стул бўшми, ўтирсак майлими?

- Бўш, ўтиринглар.

Ҳар иккови одоб билан салом бериб ёнимга ўтиришди. Қиз ийманиб гоҳ оппоқ кофтасининг ёқасини тузатади, гоҳ тўпиғигача тушган узун юбкасини пастга тортиб текислайди. Бу орада йигит ичимлик суви билан туркча кабоб олиб келди.

- Олинг,- деди қиз томонга суриб қўяркан. Иккови у ёқ- бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Қиз бир чимдим узиб оғзига солди, лабини артиб аста чайнай бошлади. Оғзининг қимирлашини сезмайсиз. Содда ва уятчанлиги унга ҳусн бериб турарди. Разм солдим: қизнинг ранги тоза, тиниқ эди, пардоз қилмаган, хаммаси табиий ўзиники, сочларини ихчам қилиб орқасига турмаклаган.

Йигит сувни очиб ича бошлади. Қизнинг сувини ҳам очиб олдига суриб қўйди. Кабобдан озгина эрмак учун чимдилаб ўтирган қиз қўлини артиб "раҳмат" деди. Аммо сувдан ичмади. Назаримда баклашка билан кўтариб ичишга истиҳола қилди. Чанқаган бўлса ҳам, кўп ичида одобини сақлаб ичмай ўтиришининг ўзи ақлу фаросати борлигини кўрсатиб турипти.

Кетар чоғи: -Кутубхонага ўтаман,- деди қиз.

- Конспектни берасизми? -сўради йигит.

- Ҳа, албатта кечга томон ташлаб ўтаман,- қизнинг овози ипакдек майин ва ёқимли эди. Хим-хим товланиб биргаликда чиқиб кетишди. Орқасидан завқ билан ҳавасим келиб қараб қолдим. Сени ҳаёли қилиб тарбиялаган ота-онангга раҳмат, дейман ичимда.

Йигитни ёнимга чақиргим, унга: "Шу қиздан қолма, уни эҳтиёт қил, бу қиз одоби, ҳаёси билан турмушингга файз киритади, сени бахтли қилади",- деб айтгим келди.

**Муҳаббат ТУРОБОВА**

**АБДУРАХМОН**
хусусий шифохонасида

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

**1.** Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
**2.** Аллергик вазомотор ринитлар.
**3.** Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
**4.** Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
**5.** Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
**6.** Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
**7.** Шалпангқулоқликни, бурунннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32-уй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

«INTEGRA TASHKENT» МЧЖ тугатилиши юзасидан биринчи кредиторлар йиғилиши 2007 йил 20 августда Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси биносининг 2 қават 15 хонасида соат $12^{00}$ да бўлиб ўтади. Иш юзасидан ариза, талаб ва таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади.
**Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси 2-қават, 15-хонаси.**

Торт, пишириқ, таом ва салатлар тайёрлашни тез ва арзон нархда ўргатаман. **Тел: 170-18-86**

# ОЛТИАРИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

**Синфдошимиз** Абдулла бир куни қўшни синфдаги бола билан жанжаллашиб қолиб, уни роса дўппослади.

Кўп ўтмай калтакланган бола дурадгор отасини етаклаб, синфимизга кириб келди. Дурадгор: "Яна ўғлимни урадиган бўлсанг, қулоғингни чопиб ташлайман", - дея белбоғидаги тешани суғуриб, "зўравон"нинг боши устида ўйнатди. Абдулла эса бошини олиб қочиш ўрнига, қўнишганича шоша-пиша дўпписини ечиб, биқинига яшириб олди.

Дўпписи яп-янги эди-да.

* * *

**Тўртинчи** синфдалигимда олтинчида ўқийдиган бир қизни ёқтириб қолдим. Бир куни қоғозга: "Кечқурун кўчада учрашсак бўладими? Гапим бор", деб ёзиб, танаффусда секин қўлига қистирдим.

Кейинги танаффусда у ҳам думбоқ қилиб букланган қоғозни зарда билан чўнтагимга тиқиб кетди. Ҳаяжонланганимча панага ўтиб, ўқиб кўрсам: "Гапинг бўлса, сариқ-сурунинг ўзига айт. Нима, хат ташийдиган малайингманми?" - деб ёзибди.

Суриштириб билсам, "севгилим"нинг биринчи "Б" да ўқийдиган заргалдоқ синглиси бор экан.

* * *

**Шодивой** акага тўйда тузуккина ичкизишгач, бир учига тўмтоқ супурги боғланган узун канопни белбоғига аста чирмаштиришиб, кўчага кузатишди. Қишлоқ кўчалари қоронғу. Шодивой ака пича юргач, каноп таранглашиб, супурги унинг кетидан эргашди. Шилдиршилдир овоздан сесканди шекилли, нарироқда тўхталиб, оёғини "тап" эткизиб ерга урди ва "чип, ҳароми" деб қичқирди.

- Орқамдан ит келаяпти, деб ўйлаяпти,-дея ҳиринглаб қўйди кимдир.

Анча вақт атайлаб қулоқ солиб турдик. Шодивой аканинг оёқ тапиллатиши, "чип ҳароми", деб қичқириши ҳар ярим минутда узоқ-узоқлардан ҳам эшитилиб турди.

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

*Туриш— турмушимиз*

# ДОМЛАМИЗ АЙТГАНДИЛАР...

Бир домламиз аудитория остонасидан кириши билан салом-аликсиз:

***«Чумчуқ чурқ-чурқ этади,***
***Тутни чўқиб кетади,***
***Чўқигани майлига,***
***Нега тўкиб кетади?»*** - деб дарс бошлардилар.

Бунга қулоғимиз ҳам ўрганиб кетганди. Бир куни уларнинг устозлари жуда ажойиб аёл эканлиги-ю, уни жуда ҳурмат қилишлигини гапириб қолдилар.

- Улардан тез-тез хабар олиб турардим. Кафе ёки ошхоналарда овқатланиб, узоқ суҳбатлашардик, - деб гап бошлади домла. - Бир куни ошхонада овқатланаётгандик, бирдан уларнинг нон билан оғзи четларини артиб, яна еб юборишларининг гувоҳи бўлдим. Шундай ёмон бўлиб кетдимки: «Нима, нон сизга салфеткамми?»-дейишимга бир баҳя қолди.

Азиз талабалар! Ҳар гапингизни ўйлаб гапиринг, ҳар қилигингиз чиройли бўлсин. Сиз билан ҳамсуҳбат бўлган кимса: «Яна шу кимса билан қачон учрашиб шуларни суҳбатини оларканман?» - деб армон қилиб юрсин, - дердилар. - Ҳар остонага қадам қўйётганингизда «Бисмиллоҳ» денгки, шу остонага «барака» ёғилсин, изингиздан: «Қутлуғ қадам меҳмон экан», дейишсин.

Овқатланаётганингизда жуда эҳтиёт бўлинг. Чунки ҳамманинг кўзи сизда бўлади, уялиб қолманг! Сиз келажакдаги «устоз»сиз. Сиз доимо одамлар назарида бўласиз. Сиздан ибрат олишади. Агар сиз ўзингиз тарбияга муҳтож бўлсангиз, сиз тарбиялаган болалар ватанга нолойиқ бўлади. Йиғланганни кўрганда йиғламаган кўздан сўқир кўз яхши. Чунки ундан ҳеч ким гина-кудурат қилмайди.

Бир яхтакни (бизда куртка дейишади) сиздан олдин йиртган кимсанинг фикрига, гапига қулоқ солинг. Агар у яхши гап гапирса,-дердилар.

Ҳаётим давомида бу гаплар ростлигининг бир неча бор гувоҳи бўларканман, устозим Ирина деган домламизнинг: «Қоғоздаги қанддек бўлиб юринглар. Агар уни биров оғзига солиб, яна қоғозига ўраб қўйса, унда уни ҳеч кимга қизиғи бўлмай қолади», дердилар.

Улар ҳақ. Улар биздан бир нечта яхтакни олдин йиртишган-да. Ҳозирги талабаларимиз ҳам шу қоидаларга риоя қилишса, кам бўлишмас!

**Фотима БОЛТАЕВА,**
**Қўшкўпир тумани.**

«Автоҳамроҳ» журнали бош муҳаррири Қумрихон Каримовага волидаи муҳтарамаси
**ЛАЪЛИХОН ая**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этамиз.
**Бир гуруҳ дўстлари**

## ДУШАНБА 20

### O'ZBEKISTON

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.50 Олтин мерос.
9.00 "Юртим бўйлаб" дастури: "Ўзбекистон замонавий миниатюраси".
"Болалар сайёраси":
9.20 1. "Ишбилармон кишилар". Бадиий фильм.
2. "Бахт ўзи нима?" Мультфильм.
11.00 "Ахборот".
11.20 "Одами эрсанг"
11.40 "Самарқанд – 2750".
11.45 Х. Даврон, Б. Лутфуллаев. "Соғинч". Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.50 "Соғинч". Спектакль. 2-қисм.
13.45 Вилоят наволари.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Олам ва одам" дастури: "Ноилож сайёдлар".
15.10 "Шарқ тароналари".
15.20 "Ватанпарвар".
**16.20 Самарқанднинг 2750 йиллиги олдидан.**
"Йўлдаги суҳбатлар".
"Болалар сайёраси":
16.45 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
**17.00 "Ахборот".**
17.15 Олтин мерос.
17.20 "Ҳаёт ва қонун".
17.40 "Марғилон – 2000".
17.45 "Агар Сиз"
18.05 "Оҳанглар оғушида".
**18.15 Миллий сериал: "Пойдевор". 7-қисм.**
18.45 "Сизнинг адвокатингиз".
18.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. "Бу менинг Ватаним!"
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Уч бека". Телесериал премьераси (Туркия)
20.50 Дунё иқлими.
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. "Бу менинг Ватаним!"
**22.10 "Муҳаббат гўшаси". Телесериал премьераси**
23.10 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.20 Миллий сериал: "Ўч". 6-қисм.

17.55 Дастурнинг очилиши.
18.00 "Нафосат олами". Рассом Жавлон Умарбеков ижодидан.
18.10 "Якшанба нонуштаси".
18.30 "Мумтоз наво".
18.40 "UzEX хабарлари" (рус ва инглиз тилларида)
18.50 "Иқлим".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Муҳаббат ва эҳтирос". Телесериал.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади:
"Биз киммиз?"
20.30 "Ёшлик наволари".
20.45 "Эълонлар".
20.50 "Ишкомли уй". Телесериал.
21.40 "UzEX хабарлари".
21.45 "Ҳеч нима ҳақида битиклар. "
21.55 "Мангуликка муҳрланган мустақиллик".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа". Ёш ижрочилар танлови.
22.50 "Пуаро". Телесериал.

### TOSHKENT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм: "Кундуз амакининг ҳикоялари".
18.05 "Телекурьер - маркет".
18.25 "Анонс".
18.30 "Пойтахт"
18.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига: "Шукрона".
18.50 "Эгизаклар". Телесериал.
19.30 "Мусиқа SMS".
19.50 "Саломат бўлинг"/рус/
**20.00 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.**
20.15 "ТВ юрист"/рус/.
20.20 "Необузданная Африка". Познавательная программа. 6 -серия.
20.50 "Интервью"/рус/.
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 "Аёл қалби".
22.30 "Пойтахт" /рус/.
22.50 Кино: "Между небом и землей".

### SPORT

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан, 20 август куни "Sport" телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
***
18.00 Болалар спорти.
18.20 "Мусиқий тайм".
18.30 "Хабарлар" (рус. тилида)
18.50 "Ким нимага қодир?"
19.10 "Жди меня".
20.00 "Чужие тайны". Сериал.
20.45 "Тимбукту. Главное - добраться до цели". Документальный фильм.
21.00 "Тет-а-тет".
21.10 Футбол шарҳи.
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
**21.50 "Дела семейные".**
22.50 Бокс. WBO йўналиши Осиё пасифик чемпионлик жанги. Қувончбек Тойганбоев – Звади Пуртцхванидзе.
00.50 "Тунингиз осуда бўлсин!"

### TV-MARKAZ

07.00 «Премьера» (узб)
07.30 Узбек наволари
08.00 «Премьера» (рус)
08.30 Мировые хиты
09.30 Узбек наволари
11.00 «300 Спартанцев» худ.фильм
13.20 Мировые хиты
13.30 «Миссия неповторима»
14.00 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс»
16.00 Узбек наволари
17.00 «Навбат» Рашид Холиков билан
17.30 Узбек наволари
18.00 «Премьера» (узб)
18.30 Узбек наволари
19.00 «Премьера» (рус)
19.30 Сериал «РОБИН ИЗ ШЕРВУДА» 5-серия
20.30 Мировые хиты
21.00 Узбек наволари
22.00 «ЛЮДИ ИКС» худ.-фильм
00.00 Миксер

### 1 ОРТ

4.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.30 «Малахов +»
9.30 «Контрольная закупка»
10.00 «Агент национальной безопасности». Многосерийный фильм
11.00 Новости
11.15 «Модный приговор»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Фазенда»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 «Понять. Простить»
14.50 «Лолита. Без комплексов»
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Жди меня»
18.05 «Отпуск. Билет в один конец»
18.55 «Убойная сила». Многосерийный фильм
20.00 Время
20.30 Премьера. Олег Меньшиков в многосерийном фильме «Золотой теленок»
21.30 «Господа офицеры».
22.25 «На ночь глядя»
23.15 «Личная жизнь Андрея Кончаловского»
0.10 «Гении и злодеи»
0.45 Фильм «Дом на дюнах»
2.00 Время
2.30 «Модный приговор»
3.15 Сериал «Битва за галактику»

### РТР

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 Семен Морозов в телесериале «Государственная граница». Фильм 6-й «За порогом Победы». 1987г.
9.45 ВЕСТИ.
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.50 «Суд идет».
11.50 Мультсериал.
12.35 «Пес в сапогах». Мультфильм.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 Владимир Ильин в детективном телесериале «Марш Турецкого». «Пуля для полпреда».
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.40 «Танго втроем».
17.40 «Ангел-хранитель».
18.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 «Спокойной ночи, малыши!».
19.55 Татьяна Колганова в телесериале «Расплата».
22.35 ПРЕМЬЕРА. «Городок».
23.35 «ВЕСТИ+».
23.55 Виктория Малекторович в детективном телесериале «Угон». 2006г.
0.45 «Дорожный патруль».
0.55 Александр Ильин в фильме «Коктебель». 2003г.
2.40 Канал «Евроньюс» на русском языке.
3.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

## СЕШАНБА 21

### O'ZBEKISTON

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
"Болалар сайёраси":
8.40 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Ёрилтош". Видеофильм.
9.50 "Остонаси тиллодан".
10.10 "Уч бека". Телесериал.
10.55 Дунё иқлими.
11.00 "Ахборот".
**11.15 Миллий сериал: "Ўч". 6-қисм.**
11.55 "Самарқанд – 2750".
12.00 "Ахборот" (инглиз)
12.10 "Мен туғилган юрт". 1-қисм.
12.25 "КиноТеатр".
**12.50 "Муҳаббат гўшаси". Телесериал.**
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Олам ва одам" дастури: "Ноилож сайёдлар".
15.10 "Шарқ тароналари".
15.30 "Ҳаёт манзаралари".
15.40 "Интеллектуал ринг".
**16.25 Самарқанднинг 2750 йилллиги олдидан.**
"Регистон".
"Болалар сайёраси":
16.40 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
**17.00 "Ахборот".**

17.15 Олтин мерос.
17.25 "ИИВ хабарлари".
17.40 "Марғилон – 2000".
17.45 "Ҳудудлар ҳаёти".
18.00 "Оҳанглар оғушида".
18.10 Миллий сериал: "Пойдевор". 8-қисм.
18.40 "Банк ва бизнес янгиликлари".
18.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. "Бу менинг Ватаним!"
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Уч бека". Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. "Бу менинг Ватаним!"
22.10 "Муҳаббат гўшаси". Телесериал.
23.10 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.20 Миллий сериал: "Ўч". 7-қисм.

7.00 "ЯНГИ ТОНГ".
8.00 "Даврнинг боласи".
8.15 "Сеними, шошмай тур!"
8.25 "Болалар табассуми".
8.30 "Галактика" маърифий дастури.
9.20 "Муҳаббат ва эҳтирос".
10.00 "ДАВР".
10.20 "Интерфутбол".
11.50 "Чемпион сирлари".
12.10 "Ишкомли уй".
13.00 "ДАВР".
13.20 "Нафосат олами".
13.30 "Қадимий ва афсонавий Марғилон!" 1-қисм.
14.00 "ЯНГИ КУН".
15.00 "Пуаро". Телесериал.
16.00 "ДАВР".
16.15 Миллий сериал: "Сардор".
16.45 Ёшлар симфонияси.
17.00 "Мўъжизавий дунё".
17.50 Ижтимоий ҳимоя йилига: "Мурувват".
18.00 "Даврнинг боласи".
18.15 "Сеними, шошмай тур!" Мультсериал.
18.25 "Ватаним!"
18.30 "Мумтоз наво".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Муҳаббат ва эҳтирос".
20.10 "JOKER" телелотереяси.
20.20 "Эрта сўнган юлдузлар".
20.50 "Ишкомли уй".
21.35 "Ёшлик наволари".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа". Ёш ижрочилар танлови.
22.50 "Пуаро". Телесериал.

### TOSHKENT

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан Сешанба 21 август куни. "Toshkent" телерадиоканали ўз кўрсатувларини. соат 17.50 дан бошлайди.
17.55 Мультфильм: "Кундуз амакининг ҳикоялари".
18.05 "Телекурьер- маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига: "Шукрона".
18.50 "Эгизаклар".
19.25 "ТВ юрист".
19.30 "Мусиқа SMS".
19.50 "Ҳимоя".
**20.00 "Пойтахт" /рус/.**
20.15 "ТВ юрист"/рус/.
20.20 "Необузданная Африка".
20.50 "Репортаж".
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт"
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 "Автоголы и приколы".
22.30 "Пойтахт"/рус/.
22.50 Кино: "Бой с тенью".

### SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (рус. тилида)
8.20 Мультфильм.
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Хабарлар" (ўзб)
10.20 "15-А" (Академия тенниса) Сериал.
10.45 "Фазенда".
11.15 - 12.45 Всемирная универсиада. Церемония закрытия.
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Мусиқий тайм".
18.30 "Хабарлар" (рус)
18.50 "Вокруг света".
19.35 "Халқ ўйинлари".
20.00 "Чужие тайны".
20.50 "Ашанти. Вождь, золото и король". Документальный фильм.
21.05 "Спорт – менинг ҳаётим".
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 "Дела семейные". Сериал.
22.50 Еврофутбол. Испания суперкубоги.
"Реал" (Мадрид) – "Севилья".

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 Узбек наволари
09.00 Сериал «Робин из Шервуда» 5-серия
10.00 «Премьера» (узб)
10.30 Узбек наволари
11.00 «Люди икс» худ. .фильм
13.00 Мировые хиты
13.30 «Юлдузли пайшанба»
14.00 Марказ NEWS (рус)
14.10 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс»
16.00 Узбек наволари
17.00 «Топ-20»
17.45 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Узбек наволари
19.00 Сериал ««РОБИН ИЗ ШЕРВУДА» 6-серия
20.00 Узбек наволари
21.00 «Великолепная семёрка»
21.30 Узбек наволари
22.00 «ЛЮДИ ИКС. «ПОСЛЕДНЯЯ БИТВА» худ.фильм
00.00 Миксер

### 1 ОРТ

4.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.30 «Малахов +»
9.30 «Контрольная закупка»
10.00 «Агент национальной безопасности». Многосерийный фильм
11.00 Новости
11.15 «Модный приговор»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Фазенда»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 «Понять. Простить»
14.50 «Лолита. Без комплексов»
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
18.00 «Татьянин день».
18.50 «Убойная сила».
20.00 Время
20.30 Премьера. Олег Меньшиков в многосерийном фильме «Золотой теленок»
21.30 «Господа офицеры».
22.30 «На ночь глядя»
23.15 «Доброй ночи»
0.20 Фильм «Груз 300»
2.00 Время
2.30 «Модный приговор»
3.15 Загадки времени». Документальный фильм

### РТР

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 «Заговор-62».
7.55 Павел Новиков, Дмитрий Нагиев и Виктор Мережко в детективном телесериале «Крот».
9.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.50 «Суд идет».
11.50 УРА! КАНИКУЛЫ. «Том и Джерри. Детские годы». Мультсериал.
12.35 «Возвращение блудного попугая». Мультфильмы.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13.40 Александр Домогаров и Владимир Ильин в детективном телесериале «Марш Турецкого». «Шериф в законе».
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.40 «Танго втроем». Телесериал.
17.40 «Ангел-хранитель». Телесериал.
18.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 «Спокойной ночи, малыши!».
19.55 РУССКАЯ СЕРИЯ. ПРЕМЬЕРА. Евгений Сидихин, Ян Цапник, Александр Песков, Юрий Ицков и Татьяна Колганова в телесериале «Расплата».
22.50 «Роковая ошибка генерала Пуго».
23.50 «ВЕСТИ+».
0.10 Каспер Ван Дьен в боевике «Охотник» (США). 2000г.
2.10 «Дорожный патруль».
2.25 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. Телесериал «Встреча выпускников» (США). 2005г.
3.10 Канал «Евроньюс» на русском языке.
3.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

## ЧОРШАНБА 22

### O'ZBEKISTON

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси":
8.50 "Еттинчи жин". Бадиий фильм.
9.50 ТВ анонс.
9.55 "ИИВ хабарлари".
10.10 "Уч бека". Телесериал.
10.45 "Самарқанд-2750".
10.50 "ТВ шифокор".
10.55 Дунё иқлими.
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 Миллий сериал: "Ўч". 7-қисм.
11.55 "Мен туғилган юрт". 2-қисм.
12.10 "Ягона оилада".
12.30 "Одамлардан бири".
12.50 "Муҳаббат гўшаси". Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Олам ва одам" дастури: "Ноилож сайёдлар".
**15.10 Самарқанднинг 2750 йиллиги олдидан.**
"Йўлдаги суҳбатлар".
15.35 "Шарқ тароналари".
15.45 "Нон қадри".
16.05 "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. "Бу менинг Ватаним!"
"Болалар сайёраси":
16.35 1. "Бизнинг кутубхона". 2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.15 Эски альбом.
17.20 "Таълимга эътибор – келажакка эътибор".
17.40 "Марғилон – 2000".
17.45 "Аёл ва жамият".
18.05 "Оҳанглар оғушида".
18.15 Миллий сериал: "Тақдир йўллари". 1-қисм.
18.45 "Сизнинг адвокатингиз".
18.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. "Ватан фидойилари".
**19.00 Самарқанднинг 2750 йиллиги олдидан.**
"Боқий Самарқанд". 1-қисм.
19.30 "Ахборот" (рус)
20.10 "Уч бека".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бу менинг Ватаним!"
22.10 "Муҳаббат гўшаси". Телесериал (Якунловчи қисм)
23.10 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.20 Миллий сериал: "Ўч". 8-қисм.

7.00 "ЯНГИ ТОНГ".
8.00 "Даврнинг боласи".
8.15 "Сеними, шошмай тур!"
8.25 "Болалар табассуми".
8.30 "Галактика" маърифий дастури.
9.20 "Муҳаббат ва эҳтирос".
10.00 "ДАВР".
10.15 "Бизнинг байрам!"
10.20 "ВАТАНПАРВАР".
11.20 "Мурувват".
11.30 "Journal" (инглиз)
11.50 "Чемпион сирлари".
12.10 "Ишкомли уй".
13.00 "ДАВР".
13.20 "Нафосат олами". Рассом Алишер Алиқулов ижодидан.
13.30 "Қадимий ва афсонавий Марғилон!" 2-қисм.
14.00 "ЯНГИ КУН".
15.00 "Пуаро". Телесериал.
16.00 "ДАВР".
16.15 Миллий сериал: "Сардор".
17.00 "Мўъжизавий дунё".
17.50 "Камолот" хабарлари.
18.00 "Даврнинг боласи".
18.15 "Сеними, шошмай тур!" Мультсериал.
18.25 "Ватаним!"
18.30 "Мумтоз наво".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Муҳаббат ва эҳтирос". Телесериал.
20.10 "СПОРТЛОТО".
20.20 "Автопатрул".
20.50 "Ишкомли уй".
21.35 "Ёшлик наволари".
21.55 "Мангуликка муҳрланган мустақиллик".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа". Ёш ижрочилар танлови.
22.50 "Пуаро". Телесериал.

### TOSHKENT

7 30 **Салом, Тошкент!"**
8.35 "Эгизаклар".
9.05 "Телекурьер-маркет".
9.25 "Пиратские острова".
10.35 "Аёл қалби".
10.55 "Мусика SMS".
11.25 "Мулоҳаза учун мавзу".
11.55 "Репортаж".
12.05 "Саломат бўлинг"/рус/
12.25 Кино: "Бой с тенью".
17.55 Мультфильм.
18.05 "Телекурьер- маркет".
18.50 "Эгизаклар".
19.30 "Мусиқа SMS".
19.50 "Мисли гавҳар".
**20.00 "Пойтахт"**
20.20 "Необузданная Африка".
20.50 "Интервью".
21.00 "Жозиба".
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Тоғ ҳавоси".
22.50 Кино: "Белый шквал".

### SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (рус)
8.20 Мультфильм.
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы")
10.20 "15-А" (Академия тенниса) Сериал.
10.45 "Фазенда".
11.15 "Жизнь и природа".
11.35–12.00 Мини футбол.
15.50 Футбол. Олимпиада саралаш учрашуви. Жанубий Корея – Ўзбекистон.
18.00 Болалар спорти.
18.15 "Мусиқий тайм".
18.55 "Вокруг света".
**20.00 "Чужие тайны".**
**20.50 "Ўзбек спортининг 16 фасли".**
21.10 "Тақдир чизгилари".
21.50 "Дела семейные".
22.50. Еврофутбол.



## ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

### ОЛТМИШИНЧИ БАҲОРИМ

*Мен олтмиш баҳорни кўрдимми асли,*
*Учиб кетгандайин олти қушдайин.*
*Ишондим сочимга қўнганда қиров,*
*Фарзандлар камолин топганин сайин.*

*Отам ўтди, дунё қадри пасайди,*
*Онам ўтди, сарви қаддим пасайди.*
*Йиллар ўтди, ғаму дардим пасайди,*
*Мен бағрини қуртлар еган оқ қайин.*

*Дунё ҳам келишар экан бор билан,*
*Фарзандлар ўстирдим ифтихор билан.*
*Қувончим бўлишдим дўсти ёр билан,*
*Лек бирор дардимни айтмадим тайин.*

*Мен мудом тақдирнинг раъйига юрдим,*
*Гоҳида омаддан, бахтдан юз бурдим.*
*На ишқ деб, на молу зар деб югурдим,*
*Худо берганидан кўнгил узмайин.*

*Тўлмас паймоналар тўлиб қолдилар,*
*Кўз ёшлар югурик бўлиб қолдилар.*
*Бедардлар кўз ёшим кўриб қолдилар,*
*Хаста еллар юзим силайди майин.*

### АРМОН

*Осмонга тикилиб, кўзим тўймайди,*
*Бош қўйсам, ёстиққа кўз юмилмайди.*
*Ёлғизлик, жимжитлик бунда ҳукмрон,*
*Нетай бу ҳолатни кўнгил суймайди.*

*Ғунчадек очилди, кўнгил тўлмади,*
*Ёзгин деб, хотира қалам қўймади.*
*Бўғзимдан отилиб чиққан сатрлар,*
*Фақат қон йиғлади, аммо кулмади,*
*Нетай, армон менга йўлдош экан-да.*

### ЁНИМГА КЕЛ

*Тоғларни қопласа, эримас қорлар,*
*Ўтиб кетаверар, ёзлар, баҳорлар.*
*Мен сени соғиниб қўмсаган чоғлар,*
*Ёнимга кел десам, олмагил малол.*
*Қолсанг-да мункиллаб бир кун чол бўлиб,*
*Сочларингда «қор»-у, қаддинг дол бўлиб.*
*Ўшанда учрасанг, тилим лол бўлиб,*
*Кел, дея имласам олмагил малол.*
*Бу ҳаёт ташвиши шунчалар қизиқ,*
*Югуриб борамиз вақт ўтади зиқ.*
*Юракдаги дардни айтмоққа тўлиқ,*
*Ёнимга кел десам, олмагил малол.*
*Шоҳ ўзинг, амрим ҳам, фармоним ўзинг,*
*Кексалик дардим ҳам, дармоним ўзинг.*
*Етолмаган орзу, армоним ўзинг,*
*Ёнимга кел десам, олмагин малол.*

### КУТ

*Шеърга шайдолигинг жоним-ёлғонинг,*
*Кўнглини кўтарай, бироз деганинг.*
*Жуда оз мен ҳақда ҳали билганинг,*
*Азизим, кут мени, яна бироз кут.*

*Қиз бола бармоққа таққан узукмас,*
*Кел, деса чопқиллаб бориш тузукмас.*
*Сен ҳақда ўйларим тарқоқ, тузукмас,*
*Азизим, кут мени, яна бироз кут.*

*Севгининг синови асли фироқдир,*
*Фироқни азоби тотли бир оҳдир.*
*Сени ўйлаганинг ҳали йироқдир,*
*Азизим, кут мени, яна бироз кут.*

### БУЛБУЛИМ

*Шохда сен маъюс туриб,*
*куйлар экансан булбулим,*
*Чах-чах эрмас, оҳ уриб,*
*куйлар экансан булбулим.*
*Не учун чаҳ-чаҳ эмас,*
*оҳ-воҳга мос бу куй десам,*
*Ғунчани беҳис кўриб,*
*куйлар экансан булбулим.*
*Аслида на чах-чах-у*
*на оҳ-воҳ ул ишқ ўтида,*
*Қоврилиб, чак-чак эриб,*
*куйлар экансан булбулим.*
*Тун бўйи уйғоқ фақат*
*менман десам, сен ҳам мудом.*
*Тонг қадар тинканг қуриб,*
*куйлар экансан булбулим.*
*Бу ғазал қалб қонидир*
*сенга ачинган Лоланинг,*
*Оҳ, қачон қаҳ-қаҳ уриб,*
*куйлар экансан булбулим.*

**Лолахон АҲМЕДОВА,**
**Наманган вилояти, Поп тумани,**
**Ғурумсарой қишлоғи.**

***Ҳаяжонга солади доим,***
***Мевалари ғарқ пишган боғлар.***
***Тўкилади беозор ва жим,***
***Умри тугаб битган япроқлар.***

***Шохи эгик дарахтга боқсам,***
***Ёдга тушар меҳрибон онам.***
***Гоҳи-гоҳи тўлади юрак,***
***Соғинч ортиб кетади ҳаддан.***

***Димоғимга хуш ёқар бирам,***
***Пишган меваларнинг ифори.***
***Япроқлардай тўкилиб кетур***
***Одамларнинг берган озори.***

***Олтиндайин товланиб турар,***
***Отам қўли теккан дарахтлар.***
***Шамолларда сарсари кезар***
***Олтин кузак йўллаган хатлар.***

***Термуламан кўзим қувнаб жим,***
***Бир-бир кетар кўнгилнинг доғи.***
***Меваларга кўмилиб ётар***
***Худойимнинг жаннат чорбоғи.***

* * *

***Мени ташлаб кетасизми ёр,***
***Ахир бунга борми ҳаддингиз?***
***Кун ўтади... Кўнгил... Интизор,***
***Кун айланар. Ошар қадрингиз.***

***Яна баҳор кулар қиқирлаб,***
***Атиргуллар очади ғунча.***
***Бормайинми мен сизни излаб,***
***Келасизми, гул очилгунча?..***

***Термуламан узундан-узоқ,***
***Суратингиз бирам чиройли.***
***Сиз шунчалар кетгансиз йироқ,***
***Ҳамроҳ этдим... Сувдаги ойни.***

***Қўрқибгина оламан нафас,***
***Ойнинг акси жимирлаб кетар.***
***Қаердандир эшитилар сас,***
***Қаердадир ҳозир тонг отар.***

***Кеча узоқ, фақат мен бедор,***
***Айтинг, энди кимни дўст тутай?***
***Соғинч шундай, енгилмас беор,***
***Қандай уни ичимга ютай?..***

***Тонг ёришар, ёришар кўнглим,***
***Омон чиқдим... Мен тирик мурда.***
***Кутдим, фақат мен сизни кутдим,***
***Чиқдингизми мен учун йўлга?..***

### ГИНА

***Тарновлар йиғлоқи,***
***Осмон шикаста.***
***Дилга ҳазин куйлар,***
***Ярашган ажиб.***
***Деворга суяниб,***
***Ўйчан дилхаста.***
***Яйрагим келади,***
***Ёмғирни қучиб.***

***Тарновлар вайсақи***
***Беўй сўйловчи.***
***Ортиқча гапларни***
***Айтгани-айтган.***

***Гулим, баҳор келди,***
***Ишқни куйловчи.***
***Ҳатто турналар ҳам***
***Юртига қайтган.***

***Сиз эса баъмани***
***Рўмолни ўраб.***
***Ортиқ сўйламайсиз,***
***Яйраб кулмайсиз.***

***Хиёл жилмаясиз,***
***Ҳолимга қараб.***
***Ҳамма-ҳаммасини,***
***Биласиз, фақат...***

***Мени аяшни билмайсиз.***

**Абдураҳмон ЖЎРА**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




### СУВДА ВА ҚУРУҚЛИКДА ЯШОВЧИЛАР

Бир тоифа жониворлар борки, улар ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшай оладилар. Бундай жониворлар амфибиялар, деб аталади. Амфибия сўзи юнончадан таржимада “икки хил ҳаёт” деган маъно англатади.

Қурбақалар, бақалар, саламандралар амфибиялар туркумига киришади. Улар сувга яқин жойларда - денгиз, дарё, сой ва ариқлар бўйларида яшашади. Амфибиялар ўз увилдириғини сувга қўяди ва



хавф-хатар туғилганда ҳам сув тагига яширинади. Бошқа пайтларда эса қуруқликка чиқиб ўтиришади. Танасининг устки қисми ҳар доим нам бўлиб туриши шартлиги боис улар тез-тез сувга шўнғиб чиқадилар.

### СУВДА ВА ҚУРУҚЛИКДА ЯШОВЧИЛАРДА ТАНА ЎЗГАРИШИ

Сувда ва қуруқликда яшовчи жониворларнинг личинкаси увилдириқ (икра)дан чиққан пайтда умуман онасига ўхшамайди. Шу боис ўсиш жараёнида уларда тана ўзгариши жараёни кечади.

Масалан, итбалиқлар, яъни қурбақа ва бақаларнинг боласи кўпроқ балиққа ўхшаб кетади. Уларнинг боши думалоқ, танаси эса балиққа ўхшаб узун, ранги қорамтир бўлади. Дастлабки пайтда уларда оёқлар ва ўпка бўлмагани боис фақат сувда яшашади.

Аста-секинлик билан итбалиқнинг шакли ва тана тузилиши ўзгариб боради. Думи ва жабраси йўқолади, оёқлар ўсиб чиқади, ўпка ривожланиши туфайли энди улар бемалол қуруқликда ҳам яшай оладиган бўладилар. ранги ҳам ўзгариб, яшил тусга киради.

### БАҚА ВА ҚУРБАҚА ЎРТАСИДА ҚАНДАЙ ФАРҚ БОР

Ташқи кўринишдан бақа ва қурбақалар бирбирига ўхшаб кетса-да, аслида уларнинг яшаш тарзида ва тана тузилишида сезиларли фарқлар бор. Бақаларнинг териси ажинсимон ва ер рангига ўхшаш бўлиб, орқа оёқлари калта, тишлари йўқ, шу билан бирга улар қурбақаларга нисбатан йирик ва кучли бўлишади. Қурбақаларда эса тери яшил рангли ва силлиқ бўлади, уларнинг тишлари бор, кўпроқ вақтларини сувда ўтказишади. Бақалар ҳам сувда яшайди, аммо нам иқлимли минтақаларда, асосан қуруқликда кун кечиришади.

### ҚУРБАҚАЛАР НИМА БИЛАН ОЗИҚЛАНАДИ?

Итбалиқ то ҳақиқий қурбақага айлангунига қадар асосан сув ўтлари билан озиқланади. Катта қурбақалар эса асосан чивин, пашша, чувалчанг, қўнғиз, майда балиқларни еб кун кечиради. Уларнинг тили узун, ҳамда ёпишқоқ модда билан қопланган бўлади. Қурбақа ўлжасини кўриши билан у томонга тилини бир неча сантиметр чиқаради. Ёпишиб қолган ўлжани еб қорин тўйдиради.

### СУВДА ВА ҚУРУҚЛИКДА ЯШОВЧИЛАР ЗАРАРЛИМИ?

Аксарият сувда ва қуруқликда яшовчилар, яъни бақа, қурбақа ва саламандрлар мутлақо безарар жонзотлар ҳисобланишади. Аммо нам иқлимли тропик ўлкаларда яшовчи қизил қурбақагина зарарли. У терисидан заҳарли модда ажратиб чиқаради. Шу боис унга тегинган бошқа жониворлар ва одамлар заҳарланиб ўлиши мумкин.

Сувда ва қуруқликда яшовчилар қишлоқ хўжалигига каттагина фойда келтиради. Улар турли ҳашаротларга қирон келтириб экинларни зараркунандалардан асраб қоладилар.

### ДИНОЗАВРЛАР ҚАЧОН ЯШАГАН?

“Динозавр” сўзи таржимада “даҳшатли эчкемар” деган маъно англатади. Аммо барча динозаврлар ҳам даҳшатли бўлишмаган. Қолаверса, уларнинг аксарияти ташқи кўринишдан эчкемарга умуман ўхшамайди. Динозаврлар ер юзида жуда қадим замонларда яшаган ва кейинчалик бутунлай қирилиб кетган. Бугун мавжуд бўлган деярли барча жониворлар улардан анча кейин пайдо бўлишган.

Баъзи олимлар динозаврлар ер куррасида тахминан 150 миллион йил давомида яшашган деган фикрни илгари суришади. Шу улкан давр мобайнида динозаврларнинг бир қанча турлари пайдо бўлган. Уларнинг айримлари уча олган ва шу боис кўпроқ қушларга ўхшаб кетишган, бошқалари эса икки оёқда юришган, учинчи турлари ҳозирги аксарият ҳайвонлар сингари тўрт оёқлаб юрганлар. Яна бир тоифаси эса сувда яшаган.

Динозаврларнинг озиқланиши ҳам



турлича бўлган. Баъзилари ўт-ўланлар ва дарахтларни еб кун кечиришса, бошқалари гўштхўр бўлганлар. Баъзи динозаврларнинг танаси ўткир аррасимон тишлар билан қопланган бўлиб, бу уларни иқлим таъсиридан ва бошқа динозаврларнинг ҳужумларидан асраган.

Дунёнинг турли бурчакларида олиб борилган қазилма ишлари пайтида динозаврларнинг суяклари топилган. Олимлар ана шу топилмалар асосида уларнинг шакли, гавдасининг тузилиши, катталиги ва ҳатто нима сабабдан қирилиб кетишгани кабилар ҳақида маълум бир хулосалар чиқарадилар.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# ҚАРҒИШ



Бўлган воқеа

Инсон табиатидаги эзгулик ўрнини қабоҳат, диёнат ўрнини разолат эгаллаганда ўзлигини ҳам йўқота бошларкан...

Машъум уруш бошланганда қишлоқнинг олди йигитларидан Тоҳиржон бирин-кетин туғилган тўрт ўғлини 30 га яқинлашса-да, ҳусни ёш келинчакларникидай турган хотинига ишониб жангга отланди. Тўрт азаматни минг қийинчиликларга қарамай оқ ювиб, оқ тараган жувоннинг биттагина нияти бор эди! Эри соғ-саломат қайтса бас, бу машаққатларнинг бари унутилади.

Яратган унинг бу ниятини ижобат қилди. Тоҳиржон кўксида ярқираган медаллар билан уйига қайтди. Бир қўшиқда айтилганидек, соппа-соғ, қўл-оёқ бус-бутун, кўринадиган жойларида бирорта жароҳат изи йўқ. Яна нима керак, ахир? Аммо баъзи ҳолларда, айниқса баҳор ва ёз ойларида ўзига ўхшамаган қилиқлар қиларди. Баъзан сабабсиз йиғлар, гоҳ хохолаб кулар, кечалари ўрнидан туриб кетиб кимларгадир гап уқтирарди. Аввалига лол қолган хотин, сўнг ўзидан тажрибалироқ қўшни аёлларга "дарди"ни айтди.

- Эрингиз айнибди, айланай, - деди битта оғзи бепаровуз қўшни. - Ҳушёр бўлинг, тўшакда бўғиб қўймасин яна.

Бу ҳақда эшитган қишлоқ мўйсафиди эса ўша хотинни роса койиди.

- Онанг муз устида туққанми дейман, келин? - деди у. - Бунча гапинг совуқ бўлмаса?! Тоҳирбой хўп қон кечган, ўшанда сесканган бўлиши мумкин. Ўткирроқ муллага бир ўқитиб ташланглар, кўрмагандай бўлиб кетади.

Тоҳиржон баъзан телба-тескари гапирса-да, урушдан олдинги ўша шижоати, меҳнатсеварлиги сўнмаганди унинг. Даштдан ғарғана (тиканли бута) кесиб, орқалаб келарди-да, ўтин қилиб сотарди. Бошқа ишларни ҳам қойиллатиб бажарарди. Шу боис эр-хотин муштни бир жойга уриб, икки ўғилни уйли-жойли қилишди. Табиатан анча енгил ва қизиққон учинчи ўғил Асрор эса "баландроқ дор"га осилиб, бадавлат хонадоннинг қизига ошиқ бўлди. Ўжарлиги туфайлими унга отасининг ғалати ҳаракатлари ёқмасди.

Онаси юборган қўшни хотинларнинг тарвузи қўлтиқларидан тушиб қайтди. Қиз томон тап тортмай: "Тентакнинг ўғлига қиз бермаймиз",- деган эмиш.

Шусиз ҳам аламидан ўт бўлиб ёниб юрган ўғил бир куни акалари уйда йўқликларида отасини роса калтаклади. Яхшиямки онаси келиб қолиб: "Отага ҳам қўл кўтарадими, жувонмарг!" - дея ўғлини косов билан ҳайдаб, эрини ажратиб олди.

Тоҳир ака ҳушига келиб, кўзини очганида хотини бошида йиғлаб ўтирарди. Айбсиз, хўрланган ота тилидан: "Унгин, ўсгин, аммо эл назаридан қолгин", деган қарғиш қандай чиққанини ўзи ҳам билмай қолди.

Негадир шундан кейин Тоҳир отанинг ғалати-ғалати қилиқлари ўз-ўзидан қолди, кампири билан аҳил-иноқ беҳишт кунларни ўтказиб, паймонаси тўлгач, бандаликни бажо келтирди. Уни қўни-қўшнилар, элу юрт ҳурмат билан сўнгги йўлга кузатишди...

Умрни оқар дарёга менгзайдилар. Йиллар ўтаверади, ёшлар улғаяди, авлодлар алмашинади. Асрор бошқа бир қизга уйлангач, ўша нохуш воқеани унутиб юборди. Отасининг даврида яхши касбни эгаллагани қўл келиб, данғиллама уйлар қурди. Икки қиздан кейин дунёга келган эгизаклар Ҳасан-Ҳусан, Тоҳир-Зоирларга дабдабали тўйлар қилди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай қизлари улғайиб ўғиллари ҳам балоғат остонасига қадам босишди. Асрордек бахтли одам йўқдай эди дунёда. Аммо бир гал тўшакда хотини: "Баданингизда оқ доғ бор", - деганда сесканиб тушди. Яхшилаб қараса, ҳақиқатан ҳам бор.

Бир ой ичида ўша доғлар аввал қўлига ўтди, сўнг юзига. Мурожаат этмаган доктору табиб қолмади. Янгича-эскича даво усулларини барисини қилди, лекин бесамар. Ана шундагина унинг ёдига ота қарғиши тушди. У буни эслаб, ерга муштлаб йиғлади, инграб йиғлади.

- Отажон, майиб бўл, жувонмарг бўл, деб қарғасангиз бўлмасмиди? - оҳ тортди эси кеч кирган ўғил. - Айтганингиздай униб-ўсдиму, аммо эл назаридан қолдим, отажон.

У энди халқ орасига қўшилолмасди. Тўй-ҳашамларда ҳам жуда камнамо бўлиб қолди. Энг даҳшатлиси уйига совчилар келмай қўйди. Алпқомат ўғилларига қиз сўраб борган совчилар фақат рад жавобини олиб қайтишди. Шунда Асрор чидай олмади, тўғри қишлоқ қабристонидаги ота мозорига бориб тиз чўкди-да, ўкириб-ўкириб йиғлади.

- Отажон! Майли, мен аблаҳман, аммо набираларингизга раҳмингиз келсин, - дея нола қилди у. - Майли, мени ўз ёнингизга олинг, аммо невараларингизнинг боши эгик юрмасин. Яратган-у, сизга нолам етсин, отажон!

Асрор шашқатор ёшдан ҳўл бўлган юзини қабр тупроғига урар, тупроқни чангаллаган қўллари-ю, афти-башараси лой бўлиб кетганди. У қабр ёнида узоқ нола қилиб, кўнглини бўшатди. Қоронғида қайтди-ю, юз-қўлларини ювмай ташқаридаги сўрида ухлаб қолди.

Эрталаб уни уйғотган хотини кўзларига ишонмади. Бир кун олдин эрининг ўзи ҳам жирканадиган юзлари бинойидек бўлиб қолганди. Лой юқи қўлларида ҳам оқ доғлар йўқ.

- Дадаси, дадаси, - дерди хотини унинг юзию қўлларига имо қилиб, шундан бошқа сўз тилига келмасди.

Ниҳоят Асрор хотинининг нима демоқчилигига тушунгандай бўлди. Кўзларига ишонмай, узоқ туриб қолди. Сўнг ўғил-қизлари борлигини ҳам унутиб, ичкарига кирди-да, ечиниб, хотинини чақирди. Оқ доғлар танасининг бир-икки жойида билинар-билинмас бўлиб қолганди, холос.

Бу гап қишлоққа тез тарқалди. Қариялар: "Астағфурулло, бу ҳам Оллоҳнинг марҳамати-да, Яратганнинг иноятти билан Тоҳирбобо фарзандини кечирибди-да", - дейишди қувониб.

Аммо қабристон қоровули бир нарсага ажабланди. Негадир мозорга келадиганлар кўпайди. Қоровул бунинг тагига етди. Келаётганлар тупроқ олавериб, Тоҳирбобонинг қабрини ўйиб ташлашибди.

Сал ўтмай яна бир гап тарқалди. Олиб борилган тупроқ оқарганларнинг бирортасига таъсир қилмаганмиш. Шу тариқа тупроққа келадиган зиёратчиларнинг қадамлари узилди-ю, Тоҳирбобонинг қабрини тинч қўйишди...

**Абдулла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Шухрат Курбонов,**

# ҚИЗҒАНИШ

Соҳиба оилада ёлғиз қиз. Унинг тўртта акаси бўлса-да, ўзидан 4 ёш каттаси, яъни ўғиллардан энг кичигини жуда яхши кўради. Олимжоннинг ҳам синглисига меҳри бўлакча. Ахир улар бирга ўйнаб катта бўлишди. То 9-10 ёшгача Соҳиба қиз болага ҳеч ҳам ўхшамас, ўзининг кийимлари қолиб, акасининг эски кўйлак-шимини илиб оларди-да, унинг кетидан қолмасди.

Бир гал ғалати бўлди. Акаси ва унинг ўртоқларига эргашиб, чўмилишга борди. Ўрганиб кетишгани учунми, акасининг ўртоқлари ёнларида қиз бола борлигини унутиб, қип-яланғоч ҳолда ўзларини дарёга ташлашди. Шундагина синглиси қиз бола эканлиги Олимжоннинг миясига урилди.

- Соҳи, - деди у негадир қип-қизариб, - тез уйга кет, кет деяпман, йўқол тезроқ!

Сингилга алам қилиб кетди. Ахир шу вақтгача акаси уни ҳайдамаганди-да. Жаҳл билан қайтган бўлди-да, акаси ўртоқлари билан сал нарига сузиб кетишгач, писиб келиб уларнинг кийимларини бутазорга яшириб қўйди.

Орадан икки соатлар чамаси ўтгач, уйга кириб келган Олимжон роса бақирди.

- Соҳи, чиқ бу ёққа, ўлдираман сен маразни, чиқ деяпман!

- Ҳой-ҳой болам, киши ўз синглисига ҳам шундай дейдими? Нима жин урди, сени?

- Қизингиз мени жўраларим олдида шарманда қилди. Қани энди олиб юрарканманми уни! Қўлимга тушади-ку ҳали, бир дўппослай, бир дўппослай!

Соҳибанинг шумлигидан сўнг нима юз бергани кейин маълум бўлди. Сувдан чиққан жўралар кийимлари йўқлигини кўриб, донг қотиб қолишибди. Кейин кимнинг иши эканини фаҳмлаб, бутазорни ахтаришга тушишибди. Тиканли буталар яланғоч баданларини тилиб ташлагани етмагандай, қўшни маҳалла болалари келиб қолиб, уларни: «Бутазор ҳиндуларини қаранглар», дея роса масхара қилишибди. «Ҳиндулар» деган лақабдан акаси ва ўртоқлари то мактабни тугатгунча қутулишмади.

Ана шу воқеа сабаб Соҳибанинг ўғил болалар билан ўйнашига чек қўйилди. У икки-уч ой роса гаранг бўлиб юрди. Чунки бирорта қизлар ўйинини билмасди-да. Билгани футбол, эшакминди, уруш-уруш, ланка тепиш. Қизлардан орттирган бир-иккита ўртоқлари ундаги ўғил болача характерга кўника олмай, тез ташлаб кетишди. Шунда у яккаланиб қолди. Ота-онаси қизларининг бундай одамови бўлиб қолганидан хавотирлана бошлашди. Ўшанда ҳам Олимжон жонига оро кирди. У мактабдан сўнгги вақтидан бир-икки соатини Соҳибага бағишлади. Синглисини аста-секин кўчадаги қизларга қўшди.

Соҳиба барча ўсмир қизлар сингари 13-14 ёшида илк балоғат белгилари туфайли акасидан анча ўзини тортса-да, барибир уни бир кун кўрмаса туролмасди. Олимжон 18 га тўлиб, ҳарбий хизматга кетганида бу онадан кўра сингилга кўп таъсир қилди. Бир йил унга юз йилдай кўринди, гўё.

Олимжон ҳарбий хизматдан бутунлай бошқача бўлиб қайтди. Армияда анча нарсани ўрганибди, тўлишиб, чиниқибди. Кетмасидан олдин ҳам у машина ҳайдашни-ю, созлашни анча ўрганиб олганди. Хизматда худди шу асқотиб, янада маҳорати ошибди...

Орадан бир йил ўтар-ўтмас ҳар қандай машинанинг «касали»ни бир кўришда аниқлаб, тузатадиган уста Олимжоннинг номи ҳайдовчилар ўртасида машҳур бўлиб кетди. Ота ҳам аввал ўзи бош бўлган устахонани унга топшириб қўйди.

Олимжон яхши топиб-тутгани учун биринчи галда эркатой синглисини сийлади. Соҳиба ўзи ўқийдиган коллеждаги энг пўрим, «модница» қизлардан бири ҳисобланарди. Унга маҳлиё бўлган йигитлар эса бу қизнинг чапани қилиқларига тушунолмай ҳайрон эдилар.

Ниҳоят Олимжонни уйлантириш масаласи кўтарилганида бу энг аввало Соҳибага ёқмади.

- Нима бунча шошилинч, акам энди 22 га кирдилар, юрсинлар яна икки-уч йил эркин қуш бўлиб.

- Вой-воей, сен онахотиннинг билмаган, аралашмаган нарсанг йўғ-а. Гап тамом, акангни уйлантирамиз. Сен эркакшодани ҳам амаллаб узатсак, қўл-оёғимизни бемалол узатиб ўтирамиз.

Онасининг айтгани бўлди. Аммо акаси уйлангач, Соҳиба анча вақт ғалати аҳволга тушди. Илгари ишдан кела солиб, у билан гурунглашадиган, баъзан теннис ўйнайдиган Олимжон энди янгасининг олдига йўл олади. Бунга аччиқ қилиб, бир-икки гал акасининг орқасидан борган Соҳибанинг онаси бир гал лабини тишлаб, дакки бериб, чимчилаб олди.

- Ҳой, уяти йўқ, юзсиз, нима қилиқ бу?! Улар ёш келин-куёв. Сен нима қиласан суқилиб?

- Нима қипти, қайтага уч кишилашиб гурунглашсак яхшимасми?

Соҳиба акасига энди аввалгидай яқин бўлолмаслигини, эркалана олмаслигини кўп ўтмай англади. Олдинлари хуш-хандон қарши оладиган келинойиси энди у кирса тумтайиб олади, акасининг ҳам қарашларида норозилик сезилади. У алам устида иккаласи билан ҳам гаплашмай қўйди, барибир фойдаси бўлмади.

Ўшанда ноҳақ бўлганини у икки йилдан кейин ўзи ҳам турмушга чиққанида сезди. У келин бўлиб тушган хонадон оилаларининг бутунлай тескариси бўлиб, уч қизу бир ўғилдан иборат экан. Яна денг ўша ўғил оиланинг каттаси.

- Яна бирорта ўғил илинжида болаларни кўпайтириб юборибмиз, қуда, - дея ҳазиломуз гапиради қайнотаси дадасига.

Қизлар акаларини роса яхши кўришар экан. Ясатилган «келин уйи»дан ҳеч чиққилари келмайди. Охири анча кеч бўлгач қайнонаси кириб: «Бўлди-ей, бетамизлар, келин-куёвлар дам олишсин», деб олдига солиб ҳайдаб чиқиб кетади.

Яқинда Соҳибанинг ота-онаси, акалари «келин кўрди»га келишди. Келинчак либосидаги сингилни энг севимли акаси Олимжоннинг қандай кўришиши қизиқтирарди. Ака синглисини оҳиста бағрига босди, аммо аввалгидай «қалайсан братишка» деб бурнини чимчилаб қўймади. Аканинг юзида ғалати бир меҳр мужассам, аммо синглисини нарироқда уялибгина турган куёвдан бир оз қизғанаётгани сезилиб турарди. Соҳиба буни сезди. Сезди-ю, бир энтикиб, дили ёришди.

**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Шаҳрисабз.**

## Ҳар ким ёмон бўлса жазо топқусидир.

# ТУНГИ ТАЖОВУЗ



...Онаизор яна фарзандининг ялиниб-ёлворишларига ишонди. Кўнгли бўлмади. Сўраган пулини берди. «Қайтиб ичмайман», деган ўғил онасидан: «Қарзимни тўламоқчиман», деб олган пулига яна арақ олиб ичди. Бу ҳам етмагандай яна бир ҳурматсизлик қилди: кечқурун қўйнига солиб келган бир шиша арақни дастурхон атрофида чой ичиб ўтирган ота-онаси олдига қўйди.

- Бу на гап? Бу қандай ҳурматсизлик! - деди ота дарғазаб бўлиб. - Ахир шу арақни дастидан бир эмас, икки марта қамалиб чиқдинг. Гулдек оиланг, фарзандинг бор. Ҳеч бўлмаса шуларни ўйла!

Ота арақни олиб қўймоқчи бўлди. Ўғил отасининг қўлини қайириб, чаққонлик билан шиша қопқоғини тиши билан очди. Косага ҳам солмасдан шишани ўзидан ичди. Сўнг... Ота-онасига юзланди:

- Сизлар мени дунёга келтирган энг азиз одамсизлар. Мен ҳозир сизлар билан ичишим керак. Ичишим шарт. Сизлар ҳам менинг соғ-саломат турмадан чиқиб келганим учун ичишларингиз керак. «Дўстинг учун заҳар ют!» деганлар. Дунёда ота-онадан азиз дўст йўқ! Қани, олинглар, олинглар дейман! Тез!..

Ота бу аянчли воқеани биров кўриб қолмасин деган хавотирда ён-атрофга назар ташлади. Ҳайрият, ҳеч ким йўқ. Фарзанд ўз ота-онасини арақ ичишга мажбурлаб, қўлларини мушт қилиб, ҳатто уришга ҳозирланиб турса-я! Бундан ортиқ кўргулик бормикан?

Бу даҳшатли ҳолат устига келиб қолган акаси укасининг қўлидан арақ солинган косани олиб, дуч келган томонга улоқтирди. Яримлаб қолган арақ шишани синдириб ташлади. Укасини тартибга чақирмоқчи бўлди. Бироқ укасининг кутилмаган зарбасидан кўз олди қоронғулашди. Ака-ука ота-онасининг дод-фарёдига қарамай, талашиб-тортишиб кетишди. Акаси кучли эди. Меҳнатда чиниққан, тобланган. Укасини иккала қўлини орқасига қайириб, ота-онасидан кечирим сўрашни талаб қилди. «Сўрамайман, - деди укаси ҳовлини тарк этаётиб. - Бироқ сени шу бугун ўлдираман. Ким билан рози-ризолашмоқчи бўлсанг тезлаш, улгура олмайсан». Шундай деди-ю, қоронғулик қўйнига шўнғиди.

...Уйига келди. Ўзи бола-чақаси билан яшайдиган ҳовлининг тўрт томонини титкилаб, ов милтиғини топа олмади. Ўғли дадасининг шум ниятларини пайқаб, милтиқни яшириб қўйган жойидан топди. Яна изига қайтди. Бу пайт акаси: «Турмадан пушаймон бўлиб келган. Ўзига келиб ҳали ҳаммамиздан кечирим сўрайди», - деб ота-онасига тасалли бериб, энди уйқуга кетган эди. Шаштидан қайтмаган ука эса у ётган хонага кириб, акасининг нақ пешонасидан отиб ташлади.

Вафодор ит бу даҳшатли воқеанинг олдини олишга уриндими, ўзини деразадан ичкарига отиб, хўжайинининг қотилига ташланди. Нишонга олиб отилган ўқдан ит ҳам ер тишлади. «Қочиш керак! - ўйлади қотил ука. - Вақт ғанимат!» Аксига олиб биронта машина кўринмади. Ниҳоят битта автобус кўзга ташланди. Автобусни тўхтатгунча милтиқни яшириб қуйди. Тўхташи билан яна қўлига олиб, автобус ичкарисига бостириб кирди. «Тур ҳамманг! Сен эса мен айтган томонга ҳайда!» Бироқ қотилнинг уринишлари бекор кетди. Ички ишлар бўлимига хабар бериб улгуришган эди. Қотил қўлга олинди.

Ўз акасининг қотили Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25, 97, 273, 277-моддаларининг тегишли қисмлари билан айбланиб, Жиноят Кодексининг 59-моддаси қўлланилиб, 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Турмада кўрган азоб-уқубатлар, изтироблар, пушаймон ичида ёниб-ўртанишлар бир Худога, бир ўзига аён. 2004 йил 19 январ куни у турмадан қайтиб келди. Тавбасига таянган, ёши ҳам улғайган энди жиноят кўчаси яқинига ҳам йўламас деб ўйлашган эди. Афсуски борган йўлидан қолмади. Ўзини хон, кўланкасини майдон ҳис қилди. Одамларни гоҳ алдаб, гоҳ қўрқитиб мол-мулкини ўмара бошлади. Бир куни энг яқин дўстининг уйига бемаҳал бориб, бўғзига пичоқ тиради. «Анави уч гиламни берсанг берганинг, бўлмаса ҳаммангни ўлдираман, уйингнинг кулини кўкка совураман!» деди. Кутилмаган таҳдиддан жони халқумига келаёзган «дўст» уччала гиламни ҳам қандай бериб юборганини, «ҳеч кимга ғинг деб оғиз очмайман», деганини билмай қолди. Худди шу куннинг эртаси бошқа бир дўстининг тўйи бўлаётган эди. Босқинчилик йўли билан қўлга киритган гиламлардан бирини олиб дўстининг уйи томон йўл олди. Тўйхонага салобат билан кириб келиб, гиламни қўшқўллаб дўстига тутқазди:

- Табриклайман, жўра! Келин-куёв бахтли бўлишсин! Қўша қаришсин! Ҳалол яшаб, меҳнатининг роҳати кўрсинлар! Хизматлари сенга, умр йўлдошингга, элюртга буюрсин!

Кўрганлар ҳайрон: «Инсофга келганга ўхшайди. Одамгарчиликни ўрнига қўйиб, дўстини гилам билан сийлаб турибди. Сўзлари ҳам бурро, маънили. Яхшилар сафига қўшилгани рост бўлсин!» Дарҳол тўрга таклиф қилишди. Сийлаб, иззат-ҳурмат кўрсатишди. Кечроқ бўлса-да, кўзи очилганидан ҳамқишлоқлари хурсанд эди. Бироқ шу куни одам боласи номига иснод келтирувчи, ҳеч қачон кечириб бўлмайдиган аянчли жиноятга қўл урди.

...Ярим тун. Атроф қоп-қоронғу. Тўйдан ширакайф бўлиб қайтаётганда хаёлига келган фикрдан кўнгли осмон қадар кўтарилиб, ўзини дунёдаги энг мард, ақлли йигит сезди. «Қасд олмаган йигит мард эмас. Акамнинг дастидан шунча йил турмада ўтирдим. Азоб чекдим. Ўзи ўлган бўлса ҳам, қасдимни фарзандларидан оламан!» Акасининг уйига яқинлашди. Боғ томондан ҳовлига ошиб ўтди. Кейин акасининг унаштириб қўйилган қизи ётган хонага бостириб кирди. Қанчалик ялиниб-ёлворишларига қарамай, ҳовлида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўз жиянининг номусига тажовуз қилди. Бундан ҳатто кўкда ой ҳам ор қилиб, булутлар орасига сингиб кетди...

...Азизлар, орамизда шундай одамлар ҳам учрайдики, уларни инсонлар сафига қўшишдан орланасан. Одам қиёфасидаги маҳлуқ дегингиз келади ундайларни. Ҳикоя қилганимиз юқоридаги воқеалар Хоразм вилоятининг чекка қишлоқларидан бирида бўлиб ўтган. Сезгандирсиз, воқеа жойи, қатнашчилари номларини келтирмадик. Бўрисифат бир кимса деб оила шаъни, маҳалла-кўй обрўсига путур етмасин, деган истиҳолага бордик. Баъзан касбимиз тақозоси шуни талаб этади. Бу сиз азиз ўқувчи чиқарадиган холис хулосага заррача халал бермайди, деган умиддамиз.

Яхшилар ёрингиз, яхшилик корингиз бўлсин. Яхшиларни эл эъзозлайди. Яратганнинг ўзи ярлақайди. Ёмонлар эса Бобур Мирзо айтганларидан, жазо топқусидир!

**Равшанбек Аллаберганов,**
**Хива туман суди раиси.**
**Ражаббой Эрназаров,**
**Хива туман суди судьяси.**
**Абдулла САФОЕВ,**
**журналист.**

# БУ ОЛОВНИ ҚАНДАЙ ЎЧИРАЙ?




Икки фарзандли бўлганимда бошимга тушган бир савдо мени жуда қийнаб юборди. Ҳатто касал бўлиб, даволаниб ҳам чиқдим. Ўзим 26 ёшдаман. Оилалик, икки фарзандли бўлганимда ўтган йили турмуш ўртоғим билан орамиздан гап ўтиб аразлашиб қолиб, ўз уйимдан кетиб яшай бошладим. Ҳатто иш судгача бориб етди. Кўч-кўронларимни ҳам олиб кетдим. Шу орада 3 ой ўтди. Кунларнинг бирида суд идорасида бир йигитни учратиб қолдим. У мендан 4 ёш кичик эди.

У судга доир ишларимни тўғрилаб бергани учун у билан жудаям яқин бўлиб қолдик. Йигит менинг аҳволимни тушуниб, жуда кўп яхшиликлар қилди. У ҳар куни ишхонамга келиб, мени кўриб, хабар олиб кетарди. Охири у мени севиб қолганини айтиб, уйланиш ҳақида сўз очди. Менинг ундан катта эканлигимни, 2 фарзандим борлигини билса ҳам болаларимга ота бўлиш нияти борлигини айтди. Бу гапни эшитиб йиғлаб юбордим.

Унга болаларим билан ҳеч қачон турмушга чиқмаслигимни айтдим. Лекин уни ўзим ҳам севиб қолгандим. Очиғи, бир кун уни кўрмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Севги нималигини билмай турмушга чиққаним учунми, эримга бўлган муносабатимни севги деб ўйлардим-да. Бир куни йигит онасини олиб келди. Онаси ҳам ўғлининг гапига рози бўлганини айтиб, совчиликка келди. Ўзим ҳам, ота-онам ҳам рози бўлмадик. Лекин, бечора ҳар куни ишхонамга келиб, барибир менга уйланишини айтарди.

Бу орада кутилмаган воқеалар юз берди. Турмуш ўртоғим, суд муҳлат берган пайт яқинлашгач менга ялина бошлади. У болаларимни ўртага қўйиб узр сўради. Ахийри мени кўндирди. Хуллас ярашдик. Ҳозир бошқа жойдан уй сотиб олиб яшаяпмиз.

Бу орада ўша йигитдан ҳам қочиб ишдан бўшадим, охирги учрашганимизда ўзимни қўлга олиб ҳамма гапни батафсил тушунтирдим.

Ундан мени бошқа безовта қилмаслигини, ярашиб турмушимни бошқатдан бошлаганимни, қизим ва ўғлим учун эримни кечирганимни айтдим.

Ҳозир яхши яшаяпман, яхши корхонага ишга ҳам кирдим. Аммо, мени бошқа бир нарса безовта қилаяпти. Ўшандан бери еган-ичганимда ҳаловат йўқ. Тунда ҳамма ётиб ухлайди. Мен эса ухлай олмайман. Кўзимни юмдим дегунча ўша йигит сиймоси кўринаверади. Тушларимда ҳам фақат уни кўриб чиқаман. Кўчада юрганимда ўша йигитга ўхшаб кетадиганларни кўрсам юрагим ҳаприқиб кетади. Эртаю-кеч уни ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Менимча, икки болали, оилали аёлга бундай юриш кулгили бўлса керак. Лекин нима қилай? Билмайман, севги шу ёшимда менинг юрагимга кириб келдимикан? Баъзан: "Севиб қолдим", "Ўлдим-куйдим", деганларини эшитсам энсам қотарди, жаҳлим чиқарди.

Лекин ўзимнинг бошимга шу савдо тушди. Жудаям қийналиб кетдим. Агар ўша йигитни чақирсам дарров етиб келади. Аммо ундай қила олмайман. Болаларимни, турмуш ўртоғимни ўйлайман. Чунки эрим катта лавозимда ишлайди-да. Обрўлари тушиб кетиши,кейин болаларим ҳам мени ёмон кўриб қолишлари мумкин.

Биламанки, ҳаётимда рўй берган бу воқеани эшитиб кўпчилик мендан нафратланиши ҳам мумкин. Аммо муҳаббат, ёшга ҳам, оилангиз бор-йўқлигига ҳам қарамас экан. Биз у йигит билан ҳеч қандай номаъқулчиликка бормадик. Бу кўнгилнинг, кўнглимизнинг энг гўзал дурдонаси, гавҳари эди, холос. Уни кўнглимнинг туб-тубига улоқтириб, мангуга яширдим. Лекин ўзим қийналаяпман, табиийки, у йигит ҳам қийналаётгандир. Бироқ, бирга бўлмоқ насиб этмайди. Чунки, болаларимга бўлган пок меҳр бунга йўл қўймайди.

Турмуш ўртоғим ҳозир шунчалик меҳрибонки, ҳатто бирга хорижга дам олишга ҳам бориб келдик. Яхши яшаймиз. Рўзғоримиз бадастиру, аммо эримга кўнглим йўқ-да. Фақат болаларимни деб эрим билан яшаяпман.

Нима қилишимни билмаяпман. Балки, мендек севги азобига учраганлар бўлса, бу оловни қандай ўчириш ҳақида бирорбир маслаҳат беришармиди?..

Азиз юртдошлар! Менга маслаҳат беринглар. Мен қандай йўл тутишим керак? Менга мактуб ёзинглар.

**НИГОРА, Тошкент**




## БУЙРАККА ҚОВОҚ ФОЙДАЛИ



Кўп йилдан бери буйрагим оғриғи, пиелонефритдан қийналардим. Кейин бир танишимнинг маслаҳати билан даволандим. Бунинг учун ўн дона қовоқнинг банди кесиб олиниб яхшилаб ювилади. Сўнг майда тўғралади. Устига 2 литр қайноқ сув қуйилиб, 3-4 дақиқа қайнатилади. Қовоқ банди қайнатилган идиш яхшилаб ўраб қўйилади. Эрталаб эса сузиб олиниб, кунига уч маҳал, овқатланишдан олдин бир стакандан ичилади.

Қовоқнинг шарбатидан фойдаланиш ҳам мумкин, аммо унинг фойдаси бандлариникига қараганда анча камроқ.

**С.ОРИПОВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Юқори Чирчиқ тумани.**

## ОДДИЙ УСУЛ БИЛАН



Қўлимга кўпинча йирингли яралар чиқиб, пишиб ёрилгунча ҳар хил малҳамлардан сурардим. Аммо булар унча фойда бермасди. Кекса қўшнимизнинг маслаҳатига кўра мана бу муолажани қўллаб кўрдим. Асал билан озгина унни аралаштириб кулча ясадим-да, яранинг устига боғлаб қўйдим. Уч-тўрт марта боғлаганимдан кейин яранинг йиринги шу кулчага сўрилиб, ўрни тез битиб кетди.

**М.ИСМОИЛОВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Булунғур тумани.**

## ҚЎЛЛАРИНГИЗ ОҒРИСА...

Етти йилдан буён қўлларим оғрийди. Елкамдан бошлаб бармоқларимнинг учигача симиллаганда оғриққа чидай олмай қоламан. Ёмғир ёғишидан олдин эса бўғинларим зирқирай бошлайди. Дала ҳовлига борганимда буни қўшнимга айтгандим, у ўзи билган халқона бир усулни тавсия этди. Икки шишача қоқигул (одуванчик) шарбати, 15-20 дона наъматак меваси ва бир чой қошиқ янчилган қора мурч аралаштирилиб ўн кун қоронғи жойда сақланади. Вақти-вақти билан силкитилиб, аралаштириб турилади. Ушбу аралашмани оғриқ жойларга қўл билан аста сурилади. Сўнг аралашмага ботириб олинган латтани оғриётган қўлга босиб, жун рўмол билан ўраб қўйилади. Бу муолажа бир ҳафта давомида кун ора бажарилиб, бир ой танаффусдан сўнг яна такрорланади.

**С.АВАЗОВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Шофиркон тумани.**

## СОВУН ВА ЖУН МАТО БИЛАН

Вақти-вақти билан менинг гоҳ иягим, гоҳ қўлтиқ ва чотимдаги безларим шамоллаб, шишиб (аденит) чиқади. Буни кўриб қолган бувим менга бир табиий усул ҳақида айтди. Гоҳ ишониб, гоҳ ишонмасдан уларнинг айтганини қилиб кўрдим. Бу жуда оддий ва фойдали экан. Бир бўлак жун матога (драп) тутилмаган совунни суриб, кейин ўша жойга боғлаб, устидан ўраб қўйдим. Эртаси куниёқ шишларнинг сўрилиб кетганини кўрдим.

**М.КАРИМОВА,**
**Жиззах вилояти,**
**Зомин тумани.**

## ЛИМОН ШАРБАТИ ИЧИНГ!



Шифобахш хусусиятини яхши билганим учун доимо тувакда лимон ўстираман. Бошим қаттиқ оғриган пайтда икки дона лимонни сиқиб, шакар қўшилмаган шарбатини ичиб юбораман. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас, бош оғриғи таққа тўхтаб, ўзимни енгил ҳис қиламан.

**Н. НАЗИРТОЕВА, Наманган вилояти, Чуст шаҳри.**

## ЮРАКНИ БАҚУВВАТ ҚИЛАДИ

Жуда оддий бўлган бу муолажа юрак хасталикларида ёрдам беради. Кечқурун яримта лимоннинг шарбати сиқиб олиниб, 3/4 стакан миқдоридаги қайнатилган илиқ сув билан аралаштирилади. Сўнг 1 ош қошиқ асал қўшилади. 10 кун давомида ҳар куни 3 маҳал ичилади. Бир ҳафталик танаффусдан сўнг муолажани яна қайтариш мумкин.

**С.СОЛИЕВА, Урганч шаҳри.**

## ОЧЛИК ЁРДАМ БЕРДИ!

Бирданига бошим оғрийдиган бўлиб қолди. Оғриқ айниқса, қон босимим ошганда кучаярди. Аввалига ҳар кеча бир бўлакдан саримсоқпиёз еб ётдим. Бу вақтинча тўхтатарди. Кўп ўтмай янада қаттиқроқ оғрий бошларди. Шунда қўлимга халқ табобатига бағишланган эски бир китоб тушиб қолди.

Унда ёзилишича, бош қаттиқ оғриганда очлик ёрдам бериши мумкин экан. Шундан сўнг буни синаб кўрмоқчи бўлдим. Ҳар ҳафтанинг чоршанба куни ҳеч нарса емай фақат сув ичдим. Мана, беш йилдан буён, худога шукр, бошим оғримайди. Очлик муолажаси туфайли ҳатто қон босимим ҳам жойига келиб қолди.

**Т.ТОЛИБОВ,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Сариосиё тумани.**

## ПОДАГРАНИ КАШТАН БИЛАН...

Подагра касалига чалинганим учун унинг вақти-вақти билан хуруж қилишидан қийналаман. Шифокорларнинг муолажаси кор қилавермагач, эримнинг дўсти айтган муолажани синаб кўрдик. Буни тайёрлаш учун йигирма дона пишган каштан мевалари олинади. Устига 0,5 литр нашатир спирти қуйилгач бир ой қоронғи жойда сақланади. Сўнг сузиб олиб бир шишачада йод эритмаси қўшилиб, силкиб, яхшилаб аралаштирилади. Бу малҳам кечқурун оёқларга сурилиб, устидан иссиқ рўмол билан ўраб қўйилади.

Бу муолажа секин-секин таъсир қилиб, кейинчалик оғриқлар бутунлай тўхтайди.

**С.АҲМЕДОВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Зангиота тумани.**

## БОДНИ ТУЗАТАДИ



Йиллар давомида бод касаллигидан азоб тортганим учун жуда кўп муолажаларни ўзимда синаб кўрдим. Яқинда бир дўстим айтган муолажа эса ҳаммасидан ҳам кўпроқ фойда берди.

Бу муолажа учун қора ундан хамиртуруш солиб оширилган бир зувала хамир керак бўлади. Хамир тайёр бўлгач, оғриётган жойга юпқа қоғоз қўйиб устига ўша зуваладан кулчадек ясаб босилади. У ярим соат тургач, олинади. Сўнг оғриқ жойга керосин сурилиб, иссиқ шарф билан ўраб қўйилади. Муолажани 2-3 марта қайтаргандим, оғриқ бутунлай тўхтади.

**С.ЭРГАШЕВ,**
**Андижон вилояти,**
**Асака шаҳри.**

## ХОМ ГЎШТ БИЛАН...



Синглимнинг бармоғига сўгал чиқди. У сўгални йўқотиш учун ҳамма нарсадан фойдаланди. Турли малҳамлар сурди, суюқ азот билан куйдириб ҳам кўрди. Лекин фойдаси бўлмади. Охири у бармоғини бинт билан ўраб юрадиган бўлди. Бир куни бизникига меҳмон келди. У синглимнинг бармоғидаги сўгал ҳақида эшитиб, ўша жойга хом гўшт боғлаб қўйди. Уч кундан кейин ечиб қарасак, у юмшаб қолибди. Бир ҳафта хом гўшт боғлаб юрганди, сўгали қуриб, бутунлай тўкилиб тушди.

**О.МУҲИДДИНОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Марғилон шаҳри.**

## ҚАНД КАСАЛИ БОРЛАРГА...

Турмуш ўртоғим беш йилдан буён қанд касалидан даволанади. Баъзан дўхтирлар тавсия этган турли дориларни ичса ҳам қонидаги қанд миқдори камаймасди. Бир танишим мана бу икки усулни қўллаб кўришни маслаҳат берди. Бу усуллар жуда катта ёрдам берди.

Биринчи муолажа учун уч дона пиёзни халқа-халқа қилиб кесиб бир литрлик банка тўлдирилади. Сўнг устига совуқ сув қуйилади. Банка бир ҳафта қоронғи ва илиқ жойда сақланади. Бир ҳафтадан сўнг сузиб олиниб ҳар куни оч қоринга 50 граммдан ичилади.

Иккинчи муолажа учун эса товуқнинг ўт пуфаги керак бўлади. Янги сўйилган товуқнинг ўт пуфаги хомлигича бутунлай ютилади. Бу муолажада ишлатиш учун янги сўйилган, ёш товуқнинг ўт пуфаги фойдалироқ. Қанд касалидан қийналаётганларга ушбу маслаҳатим асқотиб қолиши мумкин.

**В.ШАРИПОВА,**
**Сирдарё вилояти,**
**Янгиер тумани.**

## СОЧИНГИЗ ОҚАРМАЙДИ, АГАР...



Холам 50 ёшдан ўтди. Лекин сочларига ҳанузгача оқ тушмаган. Ундан бунинг қандай сири борлигини сўраганимда бир малҳам тайёрлаб, 30 йилдан буён суриб юришини айтди. Малҳам мана бундай тайёрланар экан:

8 дона аччиқ, қизил қалампирни банкага солиб устига 0,5 литр ароқ қуйилади. У уч ҳафта давомида қоронғи жойда сақланади. Тайёр бўлгач ҳар гал соч ювишдан олдин бош териси ва сочларга яхшилаб сурилади. Сўнг ярим соатдан кейин ювилади. Соч билан боғлиқ муаммолари бор мухлисларга ушбу маслаҳат асқотиб қолиши мумкин.

**В.САДРИДДИНОВА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Қамаши тумани.**

## ҚУЛОҒИНГИЗНИ АСРАНГ!

Ёзнинг иссиқ кунларида кўпчилик дарё ва анҳорларда чўмилишни ёқтиришади. Лекин сувга шўнғиш пайтида қулоққа сув кириб кетса, муаммо пайдо бўлиши табиий. Қулоқ шамоллаши, йиринглаши ва умуман эшитмай қолиш мумкин.

Шунинг учун мен ва болаларим чўмилишга борганимизда бундай қиламан:

Сувга тушишдан олдин ҳар бир боламнинг қулоғига бир неча томчи кунгабоқар мойи шимдирилган пахтани думалоқлаб тиқиб қўяман. Мойли пахта эса қулоққа сув ўтказмайди. Чўмилиб бўлганимиздан сўнг пахтани осонгина олиб ташлаймиз.

**В.САТТОРОВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Пахтачи тумани.**

## САРИМСОҚПИЁЗ ЁРДАМ БЕРАДИ



Ошхонадаги ишларнинг кўпчилиги пичоқсиз битмайди. Мен ҳар доим сабзавот тозалаётганимда ёки тўғраётганимда қўлимни кесиб олавераман. Дугонам меҳмонга келганда ҳам шундай бўлди. Сабзи тўғраётиб қўлимни кесиб олдим. Шунда дугонам қўлимга саримсоқпиёзни эзиб бўтқа қилиб боғлаб қўйди. Эрталабгача бармоғим тузалиб қолди. Бу муолажа ошхонада кўп иш қиладиган аёлларимизга керак бўлиши мумкин.

**М.АСРОРОВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Чиноз тумани.**

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**

# КИМГАДИР АЧЧИҒИ, КИМГАДИР ШИРИНИ...






***Қалампирни кимдир аччиғини, кимдир эса ширинини севиб истеъмол қилади. Қайнатиладиган, қовуриладиган овқатларга, турли-туман салатларга қалампирнинг барча турларини қўшиш одат тусига кирган.***

Қизил, сариқ ва яшил қалампирларнинг ҳар бирининг ўз рангига хос хислати бор. Қалампирнинг айниқса аччиқ қалампирнинг фойдалик хусусиятларини билиб олган тиббиёт ходимлари, табиблар ундан ҳар хил касалларни даволашда, айниқса инсон танасини тетиклаштирувчи доривор сифатида фойдалана бошладилар. Бўлмасам-чи, ахир аччиқ қалампирни ютиб олган ҳар қандай инсоннинг танасидаги ҳарорат бирданига кўтарилиб кетиши аниқ. Қалампирнинг таркибида "капсаицин" деб номланган инсон танаси учун фойдали алкало бўлиб уни ҳатто 1:1900000 таркибли даражада сувда эритилса ҳам аччиқлиги сезилади. Ана шу капсаицин инсон танасидаги сув ва ёғларни нормаллаштириш хусусиятига эга.

➔ *Овқат ҳазм қилиш фаолиятини яхшилайди;*

➔ *Микробларни йўқотиш хусусиятига эга;*

➔ *Танадаги иссиқлик қувватини оширади;*

➔ *Оғриқни қолдириш хусусиятига эга;*

➔ *Кайфиятни яхшилаш ва асаб системасини меъёрида сақлаш хусусиятига эга;*

➔ *Лекин, ошқозон-ичак, жигар ва буйрак хасталиклари бор кишилар аччиқ қалампирдан ўзларини сақлаганлари маъқул.*

Тиббиёт олимларининг аниқлашича, ширин қалампирнинг таркибидаги Р витамини қон томирлари учун энг зарур доривор ҳисобланади. Уни қандай ҳолатда яъни салатларга қўшибми ёки ундан бирор-бир тансиқ овқат тайёрлаб истеъмол қилишдан қатъий назар инсон танаси учун фойдаси беқиёс. Айниқса ширин қалампирни хомлигича истеъмол қилиш жуда фойдали экан. Ширин қалампирни барча сабзавотлар ичида таркибидаги С витамини кўплиги учун ҳам чемпион деса бўларкан. Агар атиги 50 грамм ширин қалампир истеъмол қилсангиз танангиз учун зарур бўлган бир суткалик витамин С ни оларкансиз.

100 грамм ширин қалампирдан танангиз учун яна зарур бўлган 15 каллория қувват ҳам оласиз. Қизил қалампирни шифокорлар ҳолсизланиб қолганларга қувват берувчи сифатида тавсия этадилар. Сабаби, таркибидаги цинк моддасининг ва С витаминнинг миқдори бошқадагилардан кўпроқ бўлиб, фойдаси ҳам танада тезда сезилади.

Қизил қалампир камқонлик хасталигида энг яхши доривор ҳисобланади.

**Сариқ рангли қалампир**га кўпроқ қуёш ўз таъсирини кўрсатади. Қуёш яшашнинг, ердаги ҳаётнинг асоси бўлганлиги учун ҳам унинг сариқ қалампирга берадиган таъсири жуда кучли бўлиб, бу таъсир унинг рангида ҳам акс этиб туради. Шунингдек, инсон организмини соғломлаштиришда унинг ҳам фойдаси беқиёсдир.

Сариқ қалампирда инсон умрини узайтириш хислатига эга бўлган витамин ва моддалар мавжудлиги бошқалардагидан кўпроқ экан.

**Яшил қалампир** озроқ тахир аччиқ. Яшил қалампир инсон бош мияси учун фойдалидир. Таркибидаги ширинлик ва озроқ аччиқлиги инсон организмидаги чарчоқни олишда, кайфиятни яхшилашда ижобий таъсир қилади.

### ШИРИН ҚАЛАМПИР

➔ **Ичак оғриқларида** ширин қалампир ва сабзи шарбатини тенг миқдорда ичилади.

➔ **Доғларни кетказишда.** Ширин қалампир ва сабзи шарбатини олиб, доғларга суртилади.

➔ **Бош мия склерози, гипотонияда** ҳар куни қизил қалампир тановвул қилиш керак.

**Кўриш қобилиятига, кўзлардаги қон айланиш системасига** жудаям ижобий таъсир қилади. Эрталаблари оч қоринга бир-икки дона ширин қалампир истеъмол қилишдан кўзлар равшан тортади ва чиройли ялтиллаб туради. Тадқиқотчилар фикрига қараганда, компьютерда доимий равишда ишловчилар ҳар куни бир неча дона ширин, айниқса яшил қалампирни ейишса кўзларидаги чарчоқнинг олдини оладилар.

**Бетингизда ҳар хил доғлардан** (ҳомиладорликдан ёки бошқа сабаблардан орттирилган) қутулишни истасангиз ҳар куни нонуштадан олдин ярим стакан сабзи сувига ярим стакан ширин қалампир сувини қўшиб ичинг. Бир неча кундан сўнг доғлардан халос бўласиз. Юзингиз териси тиниқлашади.

### АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР

➔ **Подагра.** Аччиқ қалампир 1 миқдорда ва 70 фоизли спирт 5 миқдорда олиниб, 7 сутка қоронғу жойда сақланади. Бу аралашма оғриқли жойларга суртилади.

➔ **Радикулитда.** 2 дона қалампир 1,5 стакан нашатир спирт билан аралаштирилади ва 2 ҳафтага қоронғу жойда сақланади. Вақти-вақти билан аралаштириб туриш лозим. Оғриётган жойга суртилади.

➔ **Қариликнинг олдини олиш учун** 1 чой қошиқ аччиқ қалампир 500 гр ёғ ва 200 гр асал аралаштирилади ва кунига 4-5 марта 1 ош қошиқдан ичилади. Лозим бўлса, даволаш курсини 3 ой ўтиб қайтариш мумкин.

➔ **Шамоллашда.** 0,5 л. Ароққа 1 дона кичик қалампир солиниб, 7 кун қоронғу жойга қўйилади. 1/4 стакандан ичилади.

➔ Гўшт майдалагичдан 10 дона қалампир чиқарилади. Унга 1 стакан писта ёғи ва 1 стакан керосин аралаштирилиб, иссиқ жойга 10 кунга қўйилади. Аралашма аъзои баданга уйқуга ётишдан олдин суртилади. Эрталаб иссиқ кийим кийилади.

**Бўғинлар оғриганда, радикулит, ревматизм ва шамоллашдан оғриқ пайдо бўлганида** аччиқ қалампирдан қуйидагича суртма тайёрлаб фойдаланиш мумкин. 30 грамм аччиқ қалампирга 200 грамм 70 фоизлик спиртдан солиб икки ҳафта салқин жойга қўйиб қўясиз. Икки ҳафтадан сўнг 1:3 таркибда яъни тайёр шарбатнинг бир қисмига уч қисм ўсимлик мойидан қўшиб оғриган жойингизга малҳам сифатида суртасиз.

# БИР ПИЁЛАГИНА ЧОЙ...






Чой фақат чанқоқни босувчи ичимлик бўлмай, балки инсон организмини соғломлаштирувчи мўъжизакор суюқлик ҳамдир. Бир пиёлагина чой ичида куч-қудрат борми дерсиз. "Ҳа, бор" дейишади тадқиқотчилар.

Чой япроқлари таркибида 10дан ортиқ витаминлар мавжуд. Масалан, ундаги А, В1, В2, В6, Е, К, Р витамини, микроэлементлардан калий (юрак ва қон-томирлари, мускуллар ва нервлар учун), фтор (милк ва тишлар учун), йод (эндокрин безларининг фаолиятини яхшилайди), марганец (суяклар учун), чой феноли, теин, флавонид, қанд липиди ва бошқалар инсон танаси учун ниҳоятда зарур ҳисобланади.

Чой феноли нурланишнинг олдини олади. Шунинг учун узоқ вақт давомида телевизор кўрадиганлар ёки компьютерда ишлайдиганлар тез-тез чой ичишлари керак.

Чой таркибидаги теин моддаси фенол билан биргаликда инсон танасидаги холестерин моддасини камайтиради, қон томирларини кераксиз чиқиндилардан тозалайди ва инфарктнинг олдини олади. Флавонидлар эса рак билан хасталанишдан асрайди.

***Чойнинг буржларга ҳам ўзига хос таъсири бўлиб, улар қуйидагича:***

◆ Қон айланиш системаси фаолиятини яхшилайди. Айниқса, **балиқ буржи**дагилар учун фойдали.

◆ Семириб кетишнинг олдини олади, **қисқичбақа буржи**дагиларга фойдаси кўпроқ.

◆ Ташқи кўринишни - терини майинлаштиради. Айниқса, **тарозу буржи**дагилар учун фойдали.

◆ Марказий нерв системаси фаолиятини фаоллаштиради. Айниқса, **қовға** ва **арслон буржи**дагилар учун фойдали.

◆ Инсон организмида юқумли хасталикларга қаршилик кўрсатиш фаолиятини оширади. Айниқса, **бошоқ** ва **ўқотар буржи**дагилар учун фойдали.

◆ Бактерияларга қаршилик кўрсатиш ва ошқозон, буйрак ва жигарни дизенфекциялаш - зарарсизлантириш хусусиятига эга. Айниқса, **бузоқ буржи**дагилар учун фойдали.

◆ Қон босимини пасайтириш хусусиятига эга. Айниқса, қўй буржи остида туғилганлар учун кўриш қобилиятига таъсир қилади, **чаён** ва **эгизаклар буржи** остидагиларга фойдаси кучли.

### АЛБАТТА БИЛИШИНГИЗ КЕРАК!

Энг яхши ва фойдали чой — бу кўк чой. Айниқса, барглари эзилмасдан бутун ҳолича қуритилгани. Чой қон-томирларни тозалайди, терини қуриб қолишдан асрайди, жисмоний меҳнатдан сўнгги чарчоқни олади, асабларни юмшатади ва ҳоказо. Очиқ ҳавода меҳнат қилувчилар кўк чой ичадилар.

### ЧОЙ ИЧИШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

***1.* Бир кунда қанча миқдорда чой ичилганда соғлиққа фойда бўлади?**

Кунига 5-6 пиёла, яъни 150 мл.

***2.* Чойнинг таркиби дамланганда қандай бўлиши керак?**

Бир чой қошиқ чойга бир стакан (200мл.) қайноқ сув солинади. Чойни яхшиси оз-оздан ва ҳар сафар янгидан дамлаб ичган маъқул. Ҳеч бўлмаганда, уч мартагача эски чой устига дамлаш мумкин, лекин бир сутка (яъни 24 соатдан)дан ошмаслиги керак.

***3.* Чой дамланадиган сув қандай бўлиши керак?**

Тоза ва юмшоқ сув бўлиши керак. Тоза сувни ёки водопровод сувини филтрлаб олиб, темир чойнакда қайнаш даражасигача олиб борилади, лекин чой шақиллатиб қайнашга олиб бормасдан дамланади.

### ЧОЙ ВА ХУШРЎЙЛИК

❖ **Сочларингизни чой билан чайинг.** Бунинг учун бир ош қошиқ чойга икки стакан (400мл.) қайноқ сув қуйиб дамлаб қўясиз. Совугач докадан ўтказиб оласиз, бошингизни ювиб бўлгач, устидан чой билан чайиб ташлайсиз.

❖ **Гўзал бўлиш учун чойли ванна фойда беради.**

Бунинг учун 2 литр қайноқ сувга бир пачка 200 граммли ёки 100 граммли чойнинг икки қутисини солиб дамлаб, 10 дақиқа қўясиз. Бу пайт ичида ваннани илиқ сувга тўлдирасиз. Дастлаб дамлаб қўйган чойни ва яна 1 литр сутни солиб аралаштирасиз-да, 15-20 дақиқа давомида шу ваннани қабул қиласиз.

### КЎЗЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ МУОЛАЖА

Агар кўзларингиз ости салқиб, осилиб тургандек бўлса ёки чарчашдан кўринишингиз ёмон бўлса, тезда чой дамлаб, илиқ ҳолга келганда докадан иккита бир неча қаватли кичик рўмолча ясаб, чойга ботириб олинг-да, 10 дақиқа давомида бошингизни орқага эгиб ёки креслога суянган ҳолда кўзларингизга босиб ўтиринг.

**ДИЛБАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.**




**366** **Ёшим 68 да.** Тошкентликман. Аёлим қазо қилган. Ўғлим ва келиним билан яшайман. 60 ёшгача бўлган, оғир-вазмин, меҳрибон аёл билан оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
Эргаш ота

**367** **Ёшим 32 да.** Ҳали турмушга чиқмаганман. Маълумотим олий. Ишлайман. Тошкентликман. 35-40 ёшгача бўлган, олий маълумотли, тошкентлик, уйим-жойим дейдиган, мард ва меҳрибон инсонга турмушга чиқмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
Азиза

**368** **Ёшим 45 да.** Ажрашганман. Уч нафар фарзандим бор. Яхши жойда ишлайман. Ҳовлида яшайман. Фарзандларимга оналик меҳрини бера оладиган, меҳрибон ва ораста тошкентлик бир аёл бўлса уйланиб, оила қурган бўлардим.
**Мапнзилим таҳририятда.**
Обиджон

**369** Қизимнинг **ёши 25 да.** Турмушга чиқмаган. Асли тошкентликмиз. Оиламиз зиёли. Олий маълумотли. Нуфузли жойда ишлайди. Озгина нуқсони бор. 30 ёшгача бўлган, уй-жойли, ақлли-хушли, жиддий, аёлини ҳурмат қиладиган йигит бўлса қизимизни узатардик.
**Манзилимиз таҳририятда.**
Ҳилола

**370** **Ёшим 23 да.** Олий даргоҳнинг охирги курсида ўқиб, ҳам ишлайман. Турмушга чиқмаганман. 30 ёшгача бўлган, ишлайдиган, уй-жойли, тошкентлик йигитга турмушга чиқиш ниятидаман.
**Манзилим таҳририятда.**
Махсуда

**371** **Ёшим 39 да.** Тошкентликман. Ажрашганман. Бир қизчам бор. Ўз уйимда яшайман. 45 ёшгача бўлган, уй-жойли, меҳрибон, аёл кўнглини тушунадиган, қизимга ота меҳрини бера оладиган эркак бўлса турмушга чиқиб оила қурган бўлардим.
**Манзилим таҳририятда.**
Дилобар

**372** **Ёшим 54 да.** Ажрашганман. Асли тошкентликман. Бир ўғлим бор. 60 ёшгача бўлган, моддий томондан таъминлай оладиган, уй-жойли, жиддий эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
Мукаррам

**373** **Ёшим 40 да.** Хоразмликман. Онам билан яшайман. Бир фарзанди бор, 40 ёшгача бўлган аёл билан танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
Хушнудбек

**374** **Ёшим 35 да.** Ажрашганман. 10 ёшли ўғлим бор. Ҳамшира бўлиб ишлайман. 40-45 ёшгача бўлган (қаердан бўлишининг фарқи йўқ), уй-жойли, жиддий ва оққўнгил эркак билан танишиб, турмушга чиқмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
Фарида

**375** **Ёшим 31 да.** Тошкентликман. Турмушга чиқмаганман. Ўзимнинг уйим бор. 35 ёшгача бўлган, тошкентлик, ишлайдиган, мустақил, оилани қадрлайдиган йигитга турмушга чиқмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
Шоира

**376** **26 ёшли** жияним бор. Турмушга чиқмаган. Олий маълумотли, чиройли, пазанда, уч тилни биладиган қиз. Нуфузли ташкилотда ишлайди. 32 ёшгача бўлган, зиёли, маданиятли, уйланмаган йигит бўлса узатардик.
**Манзилим таҳририятда.**
Шаҳзода

**377** **37 ёшли** ўғлим бор. Уйланмаган. Иккинчи гуруҳ ногирони. Ўзининг уй-жойи бор. Моддий томондан таъминланган. Уйда хўжалик юритиб яхши даромад топади. 36 ёшгача бўлган, самимий ва меҳрибон, (жисмоний камчилиги бўлса ҳам майли), тошкентлик бир қиз бўлса уйлантирган бўлардим.
**Манзилимиз таҳририятда.**
Осиё опа

**378** **26 ёшли** қизим бор. Ҳали турмушга чиқмаган. Асли тошкентликмиз. 30-35 ёшлардаги касб-корли, ишлайдиган, жиддий, тошкентлик бир йигит бўлса узатардик.
**Манзилим таҳририятда.**
Насиба опа

**379** **Ёшим 34 да.** Ажрашганман. Иккита ўғлим бор. Ишлайман. 40-45 ёшгача бўлган, уй-жойли, оилани моддий таъминлай оладиган, ўғилларимга отадек меҳрибон бўла оладиган эркак бўлса турмушга чиқиб, оила қурган бўлардим.
**Манзилим таҳририятда.**
Фарангиз

**«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.**

**380** **Ўғлимнинг ёши 31 да.** Асли тошкентликмиз.Иккинчи гуруҳ ногирони. Яхши гапира олмаса ҳам феъли жуда яхши. Уйланмаган. Уй-жойимиз бор. 30 ёшгача бўлган, тошкентлик, оғир-вазмин қиз бўлса оила қурмоқчи эди.
**Манзилимиз таҳририятда.**
Муяссар опа

*Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.*

# БИР ҲАМРОҲ КЕРАК...




**381** - Исмим Муҳаббат. **Ёшим 42 да.** Самарқанд вилоятидан келдим. Икки нафар қизларим билан ёлғиз қолганимга 11 йилдан ошди. Улар жуда ёш бўлишса-да, бир амаллаб катта қилиб олдим. Ҳозир каттаси институтда ўқийди. Ўзим ҳисобчилик қиламан. Хуллас, иккита-учта ишда ишлаб, рўзғоримни бутлаб келаяпман. Бироқ!..

Аёл тин олгач, бирозгина ўйга толди. Бу кўҳликкина аёл ҳаёлидан нималарни ўтказди, экан билмадим.

**- Бирор муаммо юз бердими? - дея сўрадим.**

- Йўқ! Катта қизим ўқишга кирганидан кейин, уйга бир йилда беш-олти марта борди холос. Мана, энди кейингиси ҳам ўқишга кириш арафасида... Икки қизим ўқишни битиргач, кўп ўтмай турмушга чиқиб кетишлари аниқ. Мен эса... Қизларимни ўзга уйларга учирма қилиб юборгач, ёлғиз қоларканман... Ёш пайтимда турмушга чиқмаганим учун ўзимга ачина бошлаяпман.

**- Нега болаларингиз ёш пайтида турмуш қурмадингиз?**

- Чунки, андиша қилдим. Одамлар, қариндошлар нима дейди? - деб ўйлаб уялгандим. Шуни билдимки, мен андиша қилганим билан ҳеч ким бошимга бир иш тушганда жонимга оро киргани йўқ. Барча қийинчиликларни ўзим енгиб яшадим. На чора!

**- Энди бир қарорга келдингизми?**

- Ҳа, ўйлай-ўйлай шу фикрга келдим. Чунки менга йўл-йўриқ кўрсатгувчи ота-онам энди йўқ, улар аллақачон оламдан ўтиб кетишди. Нима бўлганда ҳам ҳали вақт ўтмагандир?Кимнингдир боласи онага, ўзи эса рўзғориг барака киритадиган аёлга зордир? Лекин кексайганимда ҳолим не кечади? Ҳар ким ўз бошига ёққан қорни ўзи курар экан. Нима қилай, бир ҳамроҳ излаб таҳририятга келдим. Мендек ёлғизликдан безган инсонлар бўлса тақдиримиз бирлашармиди?..

***Аёл кетди. Унинг манзилини ёзиб олдим. Эҳтимол аёлсиз файсиз уйида меҳрга зор эркаклар яшаётгандир? Ана шуларнинг қўнғироқларини кутиб қоламиз.***

* * *

# ТАҚДИРЛАР ТУТАШДИ...

Хонага навбатдаги меҳмонлар киришди. Улар яқингинада эълонлари чоп этилган ёлғиз инсонлар, Меҳри опа билан Эркин ота эди. Бугун чеҳраларидан мамнунликлари кўриниб турарди.

- Мана, яна сизнинг олдингизга келдик,- деди Меҳри опани олдинга ўтказаркан Эркин ота.

**- Хуш келибсизлар, қани ўтиринглар-чи. Эълонларингиз берилгач, ҳар иккингизга ҳам жуда кўп қўнғироқлар бўлди. Ҳаётингизда бирор янгилик бўлдими? - дедим уларга қараб. Меҳри опа иймaнибгина жилмайди. Эркин ота эса:**

- Ҳа-да, албатта янгилик бор. Мана, "Оила ва жамият" газетаси орқали Меҳри холангиз билан танишдик. Учрашиб гаплашганимизда менга жуда маъқул бўлди. сўнг фарзандларим билан таништирдим. Улар ҳам хурсанд бўлишди. Менинг кир-чирим, истаган таомларимни пишириб беришдан келиним ҳам қутулди.

Меҳрихон билан тақдиримиз бирлашди, иккимиз турмуш қурдик. Ҳар қалай ёлғизликдан қутулдим. Шукр, мана энди кунларимиз мазмунли, файзли ўтади. Бир пиёла чойни гурунглашиб ичиб ўтиришга не етсин? Шуни сизларга билдирайлик дедик-да, - деди Эркин ота хуш кайфият билан.

***Яқиндагина кўзлари тўла мунг билан ўз жуфтини излаб келган бу инсонларнинг кўзларида бугун табассум кўринарди. Юртимизда эса яна бир оила пайдо бўлди. Бу икки дардли инсонларнинг изтиробли, кунлари ортда қолди. Энди улар осойишта ва фароғатли кунларни бирга ўтказадилар.***

***Мен уларни кузатиб келгач, уларнинг газетага берилган эълонлари устига мамнунлик билан чизиқ тортдим.***

**БАСИРА** тайёрлади. **ТЕЛ: 133-04-50**

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00

**E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru**
**oilavajamiyat@mail.ru**

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

**Бош муҳаррир: 134-86-91**
**Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20**
**Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46**
**Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46**
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент - 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.**
**«Олой» бозори ёнида.**

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ -** 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11162
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Б. САЙДАЛИЕВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

2 3 4 5 6